

Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети
бакалаврият таълим йўналиши 406 -гуруҳ талабаси Боймуродова Гўзалнинг
“Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар
таҳлили” мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар манбайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маданий ва маънавий меросни тиклаш ва кенг равишда тадқиқ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди.

Миллий қадриятларимиз, маданий мерос дейилганда ўзбек бадиий адабиёти асарлари ҳам тушунилади. Шу боисдан миллий тарихимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз, маънавиятимиз ўз аксини топган кўпгина асарларимиз мустақиллигимиз шарофати билан ўзининг ҳаққоний талқинига эга бўлиб, халқимизнинг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Жумладан, Абдулла Қодирий каби шахсияти ва асарлари ўзбек миллий маънавиятининг мўътабар намунаси бўлган улуғ ёзувчининг асарларини ҳар томонлама тадқиқ этмоқ ғоятда муҳимдир. Бу борада қилинган ва қилинадиган ишлар ўтмиш тирихимизни чуқур билишга, уни эъзозлашга, у билан фахрланишга, унинг қадрига етишга ва уни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак Г.Боймуродова ёритаётган мавзунинг нақадар долзарб экани маълум бўлади.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, уч мустақил боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ва БМИда ишлатилган таянч сўзларнинг ўзбекча-инглизча луғатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида ушбу танланган мавзунинг қай даражада долзарблиги битирув малакавий ишининг мақсади ва фойдаланилган манбалар хусусида маълумот бериб ўтилган. 1-бобда бадиий асар тилини ўрганишда Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрни ҳақида кенг тўхталган ва бобнинг моҳиятини очиб берган. 2-бобда “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили хусусида атрофлича маълумот берган. Мисолларга изоҳ берган ва уларга ўз муносабатини билдирган. 3- бобда мавзу бўйича ўтказилган очиқ дарс ишланмаси тақдим этилган.

Ушбу битирув малакавий ишида баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Унда услубий хатолар кўзга ташланади. Мисолларнинг айримларида саҳифалари кўрсатилмаган.

Ушбу кўрсатилган камчиликлар ишнинг қийматини пасайтирмайди. Мен уни ҳимояга тавсия қиламан.

ТАҚРИЗЧИ: _____ **ф.ф.н. М.Раҳматов,**

**Ўзбек тили тарихи ва шарқ тиллари
кафедраси катта ўқитувчиси**

Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети
бакалаврият таълим йўналиши 406 -гуруҳ талабаси Боймуродова Гўзалнинг
“Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар
таҳлили” мавзусидаги битирув малакавий ишига илмий раҳбар

ХУЛОСАСИ

Дипломант Боймуродова Гўзал Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борди.

У ўз битирув малакавий ишида мавзунинг долзарблиги, ишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни режа асосида тўлиқ ёритган. Мавзуга доир илмий адабиётлар билан батафсил танишиб, улардан ўринли фойдаланган.

БМИ кириш, уч мустақил боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва БМИда ишлатилган таянч сўзларнинг ўзбекча-инглизча луғатидан иборат.

Мавзунинг кириш қисми, мавзунинг долзарблиги, асосий мақсад ва вазифалар хусусида фикр билдирилган.

Биринчи бобда бадиий асар тилини ўрганишда Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрни ҳақида кенг тўхталган ва бобнинг моҳиятини очиб берган.

Иккинчи бобда “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили хусусида атрофлича маълумот берган. Мисолларга изоҳ берган ва уларга ўз муносабатини билдирган.

Учинчи бобда мавзу бўйича ўтказилган очиқ дарс ишланмаси тақдим этилган.

Абдулла Қодирий романлари нинг тил хусусиятлари ҳақида гап кетганда,ёзувчининг «...Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин. ...Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак». деган фикрини эслашнинг ўзи кифоядир.

Талаба ишдан ўз олдига қўйган мақсадга эришган, умумий хулосаларни баён қилган, мавзуга тегишли адабиётлардан ўринли фойдалана олган.

Мазкур БМИ битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради. Иш ижобий баҳога сазовор, уни ҳимояга тавсия қиламан.

ИЛМИЙ РАҲБАР

ф.ф.н Ж.Холмуродова
“Умумий тилшунослик”
кафедраси доценти

Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети
бакалавриат таълим йўналиши 406 -гуруҳ талабаси Боймуродова Гўзалнинг
“Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар
таҳлили” мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Истиқлол қўлга киритилганидан сўнг ўтган давр мобайнида халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти ва қадриятлари тарихини чуқурроқ ўрганишга қизиқиш ортиб, уни тарғиб-ташвиқ қилишга янада жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу масала Боймуродова Гўзал ёритаётган мавзунинг нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур битирув малакавий иши кириш, уч мустақил боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан ва БМИда ишлатилган таянч сўзларнинг ўзбекча-инглизча луғатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида ушбу танланган мавзунинг қай даражада долзарблиги, битирув малакавий ишининг мақсади ва фойдаланилган манбалар хусусида маълумот бериб ўтилган.

1-бобда бадиий асар тилини ўрганишда Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрни ҳақида кенг тўхталган ва бобнинг моҳиятини очиқ берган.

2-бобда “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили хусусида атрофлича маълумот берган. Мисолларга изоҳ берган ва уларга ўз муносабатини билдирган.

3- бобда мавзу бўйича ўтказилган очик дарс ишланмаси тақдим этилган. Талаба ҳар иккала бобда белгиланган масалаларни тўла ёритган, умумий хулосаларни баён қилган, мавзуга тегишли адабиётлардан ўринли фойдалана олган.

Мазкур битирув малакавий иши битирув малакавий ишларига қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб беради, уни ҳимояга тавсия қиламан.

Тақризчи:

Ўқитувчи Х. Умрзокова

Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»
факультет декани _____
доц.И.Азимов _____

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши кундузги бўлим 4-курс
406 -гуруҳ талабаси Боймуродова Гўзал Бозорбой кизининг “Абдулла
Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили”
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

_____ ф.ф.н Ж.Холмуродова

Такризчилар:

_____ ф.ф.н. М.Раҳматов,
Ўзбек тили тарихи ва шарқ тиллари
кафедраси катта ўқитувчиси

«Химояга тавсия этилсин»

_____ С.Муҳамедова
ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси
мудир, филол.фан.док-ри, проф.

ТОШКЕНТ –2013





Мундарижа

Ишнинг умумий тавсифи.....

1-боб. Бадиий асар тилини ўрганишда Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрни

1.1. Бадиий асар тилини ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари.....

1.2. Ўзбек тилшунослигида Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрганилиши.....

2- боб. “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили

2.1. Асар матнида қўлланган синоним иборалар.....

2.2. Асар матнида қўлланган антоним ва омоним иборалар.....

2.3. Муаллиф қаламига мансуб иборалар.....

3-боб. БМИнинг амалиётга татбиқи

3.1. Дарс ишланмаси.....

Умумий хулосалар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

БМИ қўлланилган таянч сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбекча-инглизча луғати.....

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

БМИ мавзусининг долзарблиги. Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги “Тил элни бирлаштириши лозим” мақоласида таъкидлаганларидек: “Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади... Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъий назар, ўз она тилини ҳурмат қилади”.¹

Абдулла Қодирий асар тилига ўта талабчан бўлган. Абдулла Қодирийнинг тил ҳақидаги мулоҳазаларини келтириш ўринлидир: «...Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин. ...Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак».² Асар тилига бундай ёндашув муаллифнинг ўта масъулият билан ишлаганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбек тили лексик бойлигидан яхши хабардор бўлган А.Қодирий уларни ўз ўрнида қўллаш борасида ҳам моҳир эди. Ёзувчининг сўз қўллаш услуби, ўзига хослиги, маҳорати каби жиҳатлар муайян даражада ўтган асрда қайсидир йўналишда ўрганилган бўлса-да, бироқ “Ўткан кунлар” романи тили бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалардан ҳисобланмиш

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 69-70.

² Қодирий А. Кичик асарлар. - Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 186 -187-б.

фразеологизмлар шу кунга қадар лингвистик жиҳатдан алоҳида тадқиқ этилмаган эди.

Юқорида таъкидланган долзарб масалаларни ўзида мужассамлаштирган лингвистик тадқиқотга бўлган эҳтиёж натижасида мазкур иш амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.Қодирий асарлари тилини ўрганиш бўйича ҳам кўпгина ишлар бажарилган. Академик И.Султонов ёзувчининг ижодини таҳлил қила туриб, унинг бадиий тилига аҳамият берган бўлса, Ф.Насритдинов ва Ҳ.Қаҳҳоровалар ёзувчи тилининг хусусиятларини махсус ўргандилар. З.Чориева эса, ёзувчи асарларидаги мактублар тилини алоҳида ўрганиб, “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Қодирий асарлари тили ҳақида адабиётшунос олимларимиз М.Қўшжонов, О.Собиров, А.Алиевлар ҳамда ёзувчи Ойбек ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

БМИ ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги. Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедрасининг “2010-2015 йилларга мўлжалланган БМИ мавзулари банки” истиқбол режаси асосида амалга оширилди.

БМИнинг мақсад ва вазифалари. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмларни ўрганиш ва таҳлил қилиш БМИнинг мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

БМИ объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти “Ўткан кунлар” романи ҳисобланади. БМИ предмети романдаги фразеологизмларни ўрганишдан иборат.

БМИнинг методологик асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг назарий асарлари ва миллий истиқлол ғояси

тадқиқотнинг бош методологик асосини ташкил этади.

БМИ методлари. БМИ мавзусини ёритишда анъанавий лингвистик методлар - тавсифий, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги. Ушбу БМИда қуйидаги назарий ва амалий янгиликларга эришилди:

- А.Қодирийнинг ўзбек тилига, умуман, тилга бўлган эътибори, олимларнинг бу ҳақдаги фикрлари умумий тарзда таҳлил қилинди;
- Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмларнинг аҳамияти кўрсатиб берилди;
- БМИ натижалари асосида очик дарс ўтказилди.

БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти. БМИ ушбу йўналишда бажарилган дастлабки иш бўлганлиги сабабли бу каби тадқиқотларга кенг йўл очади. БМИни ёзиш жараёнида тўпланган фактик материаллардан ўзбек тили стилистикаси, лингвопоэтика фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда унумли фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. БМИ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Умумий тилшунослик” кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. БМИ натижалари бўйича..... очик дарс ўтказилди.

Ишнинг тузилиши. БМИ ишнинг умумий тавсифи, уч боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, саҳифани ташкил қилади.

1-боб. Бадий асар тилини ўрганишда Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрни

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар манбайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маданий ва маънавий меросни тиклаш ва кенг равишда тадқиқ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, кишилар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантиришдир³.

Миллий қадриятларимиз, маданий мерос дейилганда бадий адабиёт намуналари ҳам тушунилади. Шу боисдан миллий тарихимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз, маънавиятимиз ўз аксини топган кўпгина асарларимиз мустақиллигимиз шарофати билан ўзининг ҳаққоний талқинига эга бўлиб, халқимизнинг диққат – эътиборига сазовор бўлмоқда. Бу биз учун мустақиллик берган неъматлардан биридир. Олимларимиз халқимиз сардорининг «Ўз тарихи ва аجدодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади» деган гапларига амал қилиб, ёш авлоднинг маънавий дунёсини кенгайтириш, уларнинг ўзлигини чуқур англаши ушбу куннинг энг ҳаётий масалаларидан бири бўлиб кун тартибида турган бир пайтда Абдулла Қодирий каби шахсияти ва асарлари миллий маънавиятимизнинг мўътабар намунаси бўлган улуғ ёзувчининг асарларини ҳар томонлама тадқиқ этмоқ ғоятда муҳимдир. Бу борада қилинган ва қилинадиган ишлар ўтмиш тирихимизни чуқур билишга, уни эъзозлашга, у билан фахрланишга, унинг қадрига етишга ва уни кўз қорачиғидек асрашга

³ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 137 – б.

ундайди. Миллий тарихимиз ёзувчиларимиз яратган асарларда ҳам ўз ифодасини топган ва улар билан чуқур танишиш, ушбу асарларнинг бой лисоний имкониятларини тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳимдир.

Абдулла Қодирий истеъдоди, ўз сўзи билан айтганда, гарчи “тартиблик мактаб кўрмаган” бўлса-да, жасорати билан халқимиз маданияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз равнақида улкан бурилиш ясади, бадиий сўз санъати ривожига янги босқични бошлаб берган тенгсиз асарлар яратди. Биргина “Ўткан кунлар” романи халқимиз миллий тафаккури ва эстетик диди ривожига шундай из қолдирдики, ундаги ҳар бир образ ўзбек халқининг “ўз кишиси”, сеvimли миллий қахрамони сифатида бениҳоя қадрли бўлиб, қайта-қайта ўқиш, такрор таҳлил қилиш эса ҳар бир китобхон ва қалам аҳли учун қизиқарли машғулот бўлиб қолаверади.

Абдулла Қодирий, энг аввало, моҳир сўз заргаридир. Гап адиб асарлари тили ҳақида кетар экан, аввало, унинг сўз ва уни қўллашга муносабати, бошқаларнинг у ҳақдаги айрим фикрлари, адиб асарлари тили бўйича бажарилган махсус бўлмаган тадқиқотлар билан ўртоқлашиш лозим бўлади.

Абдулла Қодирий тил масаласига ўта талабчан ижодкор сифатида маънавиятимиз ва тилимиз равнақига улкан ҳисса қўшган. Унинг тил ҳақидаги мулоҳазалари баён этилган қуйидаги парчалар фикримиз далилидир:

«...Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилят саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвониغا асос бўлиб ётсин. ...Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак».⁴ Адиб “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”,⁵ дея ўзбек адабий тилининг

⁴ Қодирий А. Кичик асарлар. - Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 186 -187-б.

⁵ Қодирийни қўмсаб. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, 72-б.

бениҳоя кенг имкониятларини таъкидлар ва ундан усталик билан фойдаланар экан, хоҳ жиддий қаҳрамон, хоҳ ҳажвий қаҳрамон яратмасин, барибир, ўзбек тилининг нақадар кўркам, жозибадор, ўйноқи ва энг асосийси, бизга яқин ва ҳаётий эканлигини уларнинг нутқи орқали намойиш қилади. Унинг ўша замон сиёсатига бўлган муносабатини, айтиш ноқулай ҳолатларни эвфемизмлаштирган ҳолда ифодалашди диққатга сазовордир.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари бадиий жиҳатининг юксаклиги билан ҳамма китобхонни лол этганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас ва бунда ҳеч қандай муболаға ҳам йўқ. Бунга ёзувчи ўзбек тилига, унинг бой имкониятларига чексиз муҳаббати орқали эришган. Адибимиз Ойбек домла бухақда шундай дейди: “Ўткан кунлар” романида ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатди. Романнинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашарли бир тилдир... Ёзувчи омманинг тилини жуда яхши билади. Воқеаларни англаштиш учун у сира қийналмасдан халқ тилининг бой хазинасидан истаганча материал олади. Ўзбек тили хусусиятларини яхши билган, катта сўз санъаткори сифатида ўзига хос сўз бойлигига эга бўлган Абдулла Қодирий бадиий асар тилининг таъсири ва ихчам услубининг эса равон ва жозибали бўлишига катта эътибор берган.⁶

Абдулла Қодирий ва унинг “Ўткан кунлар” романи ўзбек халқи асрлардан асрларга сайқал бериб келган тилнинг, халқ тилининг қудратини, жозибасини, энг нозик ҳис-туйғуларини ҳам тасвирлашга қодир бўлган имкониятларини биратўла, баралла дунёга намойиш этган халқ ёдгорлиги дейишимиз мумкин. Бу адиб ва бу асар туркий мумтоз тил билан ҳозирги ўзбек тилини, адабий тил билан халқ тилини бир-бирига боғлашга хизмат қилган. Бу ҳақда ўзбек адиблари тан олиб айтган ва ҳаммага бирдай маъқул бўлган фикрлар умумлашмаси сифатида айтилган қуйидаги ғавқулдда самимий гап эътиборга лойиқдир: “Абдулла Қодирий асарларидаги сеҳрли жозибанинг омилларидан бири унинг тилидир... Адиб тили ўзбек адабиётининг яна бир қанча устоз

⁶ Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли. Тошкент, 1935-й.

намоёндалари асарларининг тили билан биргаликда, халқ жонли тили ва матбуот тили заминида бунёдга келган бугунги бой, маданий тилимизнинг асосий фондини ташкил этади”. Бу фикр академик Матёқуб Қўшжонов томонидан айтилган бўлиб, барча адабий танқидчиларнинг кўнглидаги дил сўзларидир. Бундай гаплардан ҳар қанча бўлса топилади. Чунки ҳақиқатан ҳам Абдулла Қодирий тили жуда ширадор, жозибали, мафтункордир.

1.1.Бадиий асар тилини ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари

Бадиий асар халқ тили ўзининг барча имкониятларини бор бўйича намоён қила оладиган, ёзувчининг маҳорат даражасига кўра бу имкониятларни тўласича ишга солиш мумкин бўлган ўзига хос майдондир. Бу имкониятлар чексиз-чегарасиз бўлиб, муайян асарда унинг рўёби масалаларини ўрганиш, аввало, ёзувчининг бадиий тил борасидаги маҳоратини, қолаверса, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини намойиш этишга асос бўлади.

Минг йиллик адабиётимиз тарихида тилимизнинг ана шундай бепоён имкониятларини ўзида холис тажассум этган бадиий асарлар бениҳоя кўп. Аммо мустабид тузум даврида миллий истиқлол ғояларини куйлаган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби йирик сўз санъаткорларининг бундай асарларини ўрганишга йўл берилмади. Юртимиз истиқлоли бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлади. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз Президенти И.Каримов шундай деган эди: “...Мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланыпти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотиغا қайтмоқда”⁷

Ўзбек филологиясида бадиий тил муаммолари, хусусан, бир қанча адиблар бадиий асарларининг лингвопоэтикаси масалаларига бағишланган анча-мунча тадқиқотлар яратилган. Аввало, бадиий асар тилини ўрганишнинг назарий ва амалий масалаларига тўхталиб ўтсак. Бадиий асар тилини ўрганишда кенг тарқалган икки асосий йўналиш мавжуд. Бу икки йўналишни Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар куйидагича таърифлаганлар: “Тилдаги ўсиш-ўзгаришларни

⁷ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 88-бет.

ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект – лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи аспект – стилистик аспект”⁸. Адабий асар тилини лингвистик жиҳатдан ўрганишнинг назарий масалалари Ғ.Абдурахмонов томонидан муфассал ёритиб берилган.⁹

Маълумки, тилнинг коммуникатив, эстетик, кумулятив каби бир қанча вазифалари бор. Ҳар қандай бадиий асарда тилнинг коммуникатив вазифаси ҳам реаллашади, аммо эстетик вазифа биринчи планда туради.

Бадиий асар тилини ўрганишдаги иккинчи, яъни “стилистик” йўналиш тилнинг айнан эстетик вазифаси бевосита бадиий асар матнида намоён бўлар экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини фақат тилшунослик ёки фақат адабиётшунослик доирасида ўрганиш қийин. Бунинг учун тилшунослик ва адабиётшунослик соҳалари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммодир. Бадиий асар тилини айнан эстетик вазифанинг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани “лингвистик поэтика” – “лингвопоэтика” деб номлаш филология илмида анча турғунлашган.

Маълумки, бадиий асарларда, хусусан, романларда турмуш, умуман борлиқ, ҳаёт кенг қамровда ўз бадиий, реал ифодасини топади ва бу ҳол ўрни билан адибдан романларда тил хусусиятларини, жумладан луғат таркибини ўрганиш, асар ёзилган давр тилини баҳолаш, қаҳрамонлар савияси, тили, уларнинг қандай мақомга эга эканликларини белгилаш ва ниҳоят, ёзувчининг бадиий маҳоратини очиб бериш жиҳатидан ҳам жуда муҳимдир.

Кейинги йилларда рус, жаҳон, хусусан, ўзбек тилшунослигида бу масалага бағишланган қатор асарлар чоп этилди. Академиклар Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, олимларимиздан Р.Қўнғуров, А.Шомақсудов, С.Каримов, Қ.Содиқов, М.Қодиров ва бошқалар бадиий асар тилининг турли жиҳатларини ўргандилар.

⁸ Дониёров Х., Мирзаев С. Ўз санъати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962, 173-174-бетлар.

⁹ Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида// Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент, 1966.

1.2.Ўзбек тилшунослигида Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўрганилиши

Абдулла Қодирий асарлари тили лингвистик тадқиқ манбаи ҳам бўлган. Хусусан, Х.Дониёров, С.Мирзаев, Ё.Тожиев, И.Мирзаев, Б.Йўлдошев каби олимлар ва уларнинг кўп сонли шогирдлари тадқиқотларида унинг ижодига жиддий эътибор қаратишган.¹⁰

Абдулла Қодирий асарлари тилининг лингвистик таҳлили мустақиллигимиздан кейинги йилларда бирмунча жонланган ва кучаймоқда. Бироқ асарлар тилини атрофлича ва кенг миқёсда турли лингвистик аспектларда жиддий тадқиқ қилиш бу борадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

А.Қодирий асарлари тилини ўрганиш борасида бажарилган айрим ишларга тўхталсак. Академик И.Султонов ёзувчининг ижодини таҳлил қила туриб, унинг бадиий тилига аҳамият берган бўлса, Ф.Насритдинов ва Ҳ.Қаҳҳоровалар ёзувчи тилининг хусусиятларини махсус ўргандилар.

А.Қодирий асарлари тили ҳақида адабиётшунос олимларимиз М.Қўшжонов, О.Собиров, А.Алиевлар ҳамда ёзувчи Ойбек ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Абдулла Қодирий асар тилида ўта талабчан бўлган. Абдулла Қодирийнинг тил ҳақидаги мулоҳазаларини келтириш ўринлидир: «...Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвониға асос бўлиб ётсин. ...Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта

¹⁰ Дониёров Ҳ., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962;

Мирзаев И. Абдулла Қодирий эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1972;

Тожиев Ё. ва б. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1974;

Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак». Асар тилига бундай ёндашув муаллифнинг ўта масъулият билан ишлаганини яна бир бор тасдиқлайди.

Тилшунос олим Ё.Тожиев “Тил жазби” мақоласида¹¹ Абдулла Қодирий ижодига юқори баҳо бериб, асар тилига хос ўзига хосликлар ҳақида асосли далиллар келтиради: “Қуйида унинг ана шундай тилидан, романнинг бадиийлигини таъминлаган жиҳатлардан намуна сифатида айрим чизгиларни эслаб ўтамиз. Зеро, бу чизгилар “Ўткан кунлар”ни чинакам китобхон сифатида варақлаган ҳар бир мухлисга таниш ва ҳатто ёд бўлиб кетгандир: Қушбеги кўтарилиниб олди ва кўзлари бир оз каттароқ очилди: - Келишдилар, тақсир, кирсинларми?; “Ўғул ўсдириш бу турда бўлмас: у тиласин- тиламасин шартта-шартта тилаганингизча қилингизда, қараб тураберингиз”; “Сўзлайберингиз”; “Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз”.

Ушбу мисолларда, жумлаларда ишлатилган сўзлардан бирортасини бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Агар алмаштирилса, жумлагина эмас, бутун асар бузилади, ундаги руҳ, оҳанг бузилади. Ҳатто, битта қўшимчани ҳам ё олиб ташлаб ёқисқартириб бўлмайди, бошқасига алмаштириш эса мумкин эмас. Ҳар бир товуш, сўз, қўшимча ўз жойига занжирбанд қилиб қўйилган.

Қилингизда, сўзлайберингиз, кечирингиз, келишдилар, тиласин-тиламасин, тилагингизча, тураберингиз, кирсинларми, кўтарилиниб, кўзлари, уйингиз сўзлари таркибида қўлланилган қўшимчаларнинг ўзи қандайдир оҳанг – қиёфани ташкил этган. Бу сўзларда -из кўрсаткичига аслида эҳтиёж йўқдек. Чунки ҳурмат маъноси қилинг, сўзлайберинг, кечиринг, тураберинг сўз шакллариининг ўзидаёқ ифодасини топган (-инг аффикси ҳурматни ифодалайди). Бироқ ёзувчи -инг қўшимчаси орқали ифодаланган ҳурматнинг ўзи билан кифояланмоқчи эмас. Ҳали унинг кўнгли тўлмаган. Унга гўё сўзлари дағалроқ чиқаётгандек туюлади. Ана шу

¹¹ Адабиёт, бадиият, абадият. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004, 204-212-бетлар.

хурматни биров бўрттирсагина кўнглидагини аниқ ва тўла баён қилади, айтган сўзининг оҳангидан шундагина қониқиш ҳосил қилади.

Келтирилган бир гапдаги келишдилар сўзида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолат кузатилади. Китобхон бефарқ ўтиб кетса, ўзини айбласин, ёзувчини эмас. Чунки машҳур рус олими М.В.Ломоносовнинг бир фикри бор: “Турли фикрларни ифодалаш учун сўз топа олмасликни тилнинг камбағаллигидан эмас, балки ўзимизда маҳорат йўқлигидан, фикр нўноқлигидан деб билиш керак”. Бу фикр ўзбек халқининг “Афтинг хунук бўлса, кўзгудан ўпкалама” мақолига ҳамоҳангдир.

Гап шундаки, ўзбек тилида –ш, -иш қўшимчаси, асосан, биргалик маъносини ёки хурматни ифодаласа, –да айрим етакчи ўзбек шеваларида, масалан, Фарғона, Мағилон ва шу атроф шеваларида, асосан, хурматни жойига қўйиб айтишда ишлатилади. Тўғри, бу шеваларда ҳам кўплик биргалик маъноларини ҳам ифодалайди, бироқ унинг хурматини ифодалаш хусусияти жуда ўзига хосдир. Акам келишди, бувимлар келишди, дадамлар кулиб қўйишди. Аҳмаджон ака уйларига келишди каби қўлланишлардаги –ш, -иш, асосан, хурматни ифодалаган. Абдулла Қодирий бу шеваларни ўрганган. Ана шу асосда келдилар сўзинигина шу шаклда қўллашга кўнгли чопмайди. Шу шаклда ҳам хурмат маъноси –лар қўшимчаси орқали ифодаланиб турганлигини биламиз. Лекин бу қўполроқдир. Келишдилар шаклида хурмат маъноси бўрттириб ифодаланган ва шунга кўра анча ёқимлироқ ҳамдир. Бу эса жозибаликни таъминлаган.

Жумлалардаги тиласин-тиламасин сўз шаклини тиласа-тиламаса шаклида ҳам бериш мумкин эди. Бироқ бундай ифода анча қўпол чиқар эди. Оҳанг қулоққа бошқача эшитилар, бошқача таъсир этар эди. Бошқа бир ўриндаги *кўтарилиниброқ олди* сўз шаклига ҳам эътибор берайлик. Ёзувчи бу ҳолатни *кўтарилиб олди* ёки *кўтарилиброқ олди* шаклларида ҳам қўллаши мумкин эди, бироқ бунда ҳаракатнинг ўзига хослиги (астойдиллик ёки эринчоқлик билан бажариш) ёзувчи кўнглидагидек чиқмай қолиши мумкин эди. *Кўтарилиниб* шаклида қўллаш орқали, яъни ҳам мажҳул, ҳам ўзлик нисбат шаклини бирга қўллаш орқали шахс ҳаракатининг нозик жиҳати – қисманлик жуда аниқ ўз

ифодасини топган.

Қуйидаги жумлаларда ҳам ёзувчининг ҳар бир сўз, ҳар бир қўшимчанинг ўз жойига қўйилганлигини кўрамиз: “Шунинг учун икки кундош унинг олдиға киришдан кўрқиб, яна тўғриси унинг совуқ афтини кўришдан жирканиб ҳавлининг чет-четида юрарлар, икки кундош билиттифоқ унга ўлим сўрарлар: “Қўқонда ўлса, ўлигини итлар еса, биз ачинарми эдик” деярлар эди”.

Матнда қўлланган юрарлар, сўрарлар, деярлар сўз шакллари романнинг тил бадииятини таъминлаган. Уни шеърға, куйга айлантирган, насрий нутққа шеър руҳини, назм оҳангини бахш этган.

Матнда бу ҳолатнинг тескариси ҳам кузатилади. Аёллар ҳолатини, дардини тасвирлаган Абдулла Қодирий, шунга мос оҳанг топган бўлса, Хомидга бўлган муносабатини ифодалаш учун унга мос сўзлар қаторини уйғунлаштиради: совуқ, афт, жирканмоқ, ўлса, ўлигини итлар еса каби сўзларга алоҳида диққат қилинган. Ачинарми эдик сўз шакли ҳам халқ тилидан олинганлиги туфайли таъсирчанликни таъминлаган. Бу шакл ачинар эдикми? Шаклида қўлланса, оддий, расмий ифода бўлиб қолади. Маънони кучлироқ ва таъсирчанроқ ифодалаш учун ёзувчи -ми юкламасини кейинги сўздан олиб олдинги сўз охирига қўшяпти. Бу билан риторик сўроқ янада кучли тарзда намоён бўлди. Абдулла Қодирий романларидаги жозиба ана шундай қўлланишлар уйғунлиги асосида яхшиланиб уларга жон ато этган, узоқ ва боқий умр ато этган бўлса, ёзувчи учун китобхон қалбига йўл ато этгандир.

Абдулла Қодирийдаги кузатувчанлик, сўзга, ҳар бир ифода воситасига эътибор, алоҳида вазифа юклаш асарларининг бошидан охиригача бир хилда сақланиб боради. Айниқса, бу ҳолат ўз қаҳрамонини тасвири-тавсифини беришда ўзига хос жило олади: “Шу вақт тасодифан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасиға келиб тўхтаган чингилин йигитка беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайриихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бир мунча вақт кўз олмадилар. Охирида Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир

ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тутиб ётқан қирқ кокиллари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига караб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка яна бир караб кўйди ва бу қарашда унга енгилгина бир табассум ҳадя қилди... Яширинган гўзал иккинчи қайта кўринмади, эҳтимолки, Отабекни ипсиз боғлаб, ўзи қайси бурчакдан бўлса ҳам асирини тамошо қилар эди”.

Отабек билан Кумуш бир-бирига бир оғиз гап айтмадилар. Улар ўртасидаги бор ҳолат, ўзгаришлар, кечинмалар, кайфиятлар ҳамма-ҳаммаси тасвир орқали халқоналикда очилади. Ҳар бир сўз, ибора, кўшимча ва гап ўзига хос тарзда вазифа бажарган. Бу вазифа у ёки бу тушунчани, у ёки бу ҳаракат, ҳолат ёки белгини ифодалашдангина иборат эмас, балки уларга ёзувчининг муносабатини ифодалаган: Меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Бу ўринда меҳмонхона сўзи ўрнида уйдан, ичкари ҳавлидан каби сўзлари ҳам ишлатилиши мумкин эди. Бироқ ёзувчи бундай қилмаган. Чунки меҳмонхона Марғилонда, умуман Фарғона водийсида ташқари ҳовлининг алоҳида бир томонида бўлади. Қутидорнинг ташқарисиға кирди гапида ҳам ўзига хос қўлланиш бор. Яъни ҳовли, қисм сўзлари ташлаб кетилиб, қисқаликка эришилган ва бу халқ тилига мос келади.

Абдулла Қодирий гўзал бир қиз бирикмасини ёки фариштадек, ойдек, фаришта янглиғ... кўринишдаги ўхшатишлардан фойдаланса ҳам бўлар эди. Бироқ бу тақдирда, у қиз бошқа қизларга ўхшаб қолар, шулар ичидаги бир гўзал бўлиб туюлар, бу дунё гўзали бўлар эди, холос-да! Ёзувчи тасвирлаётган қиз эса у гўзал қизларга тенг эмас, улардан сал-пал ҳусн жиҳатидангина юқори даражадаги қиз ҳам эмас.

У Оллоҳ томонидан алоҳида яратилган, Оллоҳ дийдоридан баҳраманд бўлган. Унга етишган, унгагина хизмат қилиши мумкин бўлган, осмон учун мўлжалланган, ҳар жиҳатдан баркамол, бу дунё учун хос бўлмаган ва бу оламда учрамайдиган алоҳида оламдир. Тасвирлаш учун сўзлар, гаплар, иборалар, ўхшатишлар ожизлик қиляпти. Ўзбек тилидаги бор имконият уни янада мукамалроқ таърифлашга етади. Бироқ бунини топиш керак. Абдулла

Қодирий бу сўзни топган. Бу фаришта сўзидир. Ёзувчи ана шу фаришта сўзини қўллаш билан бу моҳи пайкарнинг бутун борлиғини бекаму кўст таърифлайди. Кумуш бу ёруғ оламнинг энг гўзал қизларидан ҳам анча юқори даражададир. У – абадий дунё гўзали. Оллоҳ мурувватига лойиқ бўлган гўзалдир. Сўзни танлаб, унга бундай жиддий вазифа юклаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айрим ёзувчи ва шоирларда фариштага ўхшатиш учрайди (фариштадек, фаришта мисоли кабилар). Бироқ улардаги таъриф ўз йўлидан етарли эмаслиги, адиб кўнглини тўлдирмаётганлиги сезилиб туради. Яъни ўхшайдию, ўзи эмас. Ёзувчи истиорасида Кумуш ўхшатилаётгани йўқ. Фариштага тенглаштирилган.

Матндаги “Орқа-ўнгини тутиб ётқан қирқ кокиллари тўлқинландилар” жумласига эътиборни қаратайлик. Биринчидан, қирқ кокиллари сочининг кўплигига, майин, тоза, узунлигига, силлиқлигига алоҳида эътибор, парвариш асосида ўриб – таралганлигига ишорани билдирса, иккинчидан, тўлқинландилар сўзи ана шу сочининг ўз эгаси томонидан атайлаб, унга эътиборни қаратиш мақсадида намоёниш этилганлигидан тортиб, Отабекнинг кўнглига ғулғула солганлиги, уни маҳлиё қилганлигини бўрттириш, Отабекнинг қизларни тўқис қилиб кўрсатувчи бу сочга ҳурмат – эҳтиромни ҳам қўшиб ифодалаш учун ишлатилган. Айниқса, тўлқинланди сўзига -лар қўшимчасининг қўшилиб айтилиши (маълумки –лар жонсиз нарсалар ҳаракатини ифодалашда одатда қўлланилмайди) маълум мақсад билан бўлиб, битта шу қўшимчани қўллашнинг ўзидаёқ Қодирий ўзига хос услуб яратган. Абдулла Қодирий бу аффиксдан услубий бўёқ ифодалашда ўзига хос тарзда фойдаланган. Тўлқинландилар сўзи орқали сочга бўлган ҳурмат – эҳтиром кўрсатиш, орзиқиш билан қўшилган ҳолда ифодаланган. Абдулла Қодирий киши тасвирини беришда ҳам, табиат гўзаллигини, умумий ҳолатни тасвирлашда ҳам алоҳида маҳорат кўрсатади.

“...Умидим юлдузи Кумушимга!...”

“...Унинг ёвошқина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйдилар”;

“Унинг кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиник суви ёвошгина оқиб келар (унга таъзим билан, бўйинсуниб, шўхлик қилмай, хурматини бажо қилиб...), Кумушбибининг қаршисиға етканда гўёки, унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр, ўз устида ўлтурган сохиранинг сихрига мусаххар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, охистагина кўприк остиға оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди. Гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учунчи кайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...”

Бундай сеҳрли тасвир ва ўхшатиш, муболаға (яширин муболаға) ҳеч қайси бир адибда бу даражада берилмаган. Худди шу каби бир тасвирни Кумуш тависфида ҳам кузатиш мумкин: “...Пар ёстиқ кучоғида, совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми, уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингила кипрак остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... Қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... Тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиътнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди...”

Ҳар иккала келтирилган парчадаги тасвирни таърифлаш учун албатта, кўплаб оқ қоғозлар юзига қора тортишга тўғри келади ва бу бизнинг қўлимиздан келадими – йўқми, гумон. Бироқ шуни айта оламизки, бундай тавсиф фақат сўз сеҳргарининг, бадий сўз устасининггина қўлидан келади. Бу фақат Абдулла Қодирий қалами билан чизилиши, тасвирланиши мумкин. Чунки тасвирнинг ўзидан шеър оҳанги таралиб турибди: Бир нарсани кўрган каби; бир нарсадан чўчиган каби; кимдандир уялган каби... Бу такрорлар таъкид учун бўйсундирилган. Шу билан бирга, ўхшатиш орқали тасдиқлаш

йўли тutilганки, бу ҳам алоҳида услубдир.

Қаранг: “Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалса”; ёки: “сув ичида бир фитна юз берган бўлса, қайталаб ювилганда, бу фитна янада кучайса”. Хуллас, -ган каби қофиянинг ҳар биридан кейин қўйилган кўп нуқтанинг ўзи китобхонни нафас олдиради, унинг энтикишини, юрак уришини меъёрига келтириб олади, дамини ростлайди. У яна энтикиб ҳолатни томоша қилади, яна тўхтайди... ўйланади, мириқади, таъсирланади. Тасвирдаги аниқликлар, сифатлашлар бирор жиҳатни четда қолдирмайди: тўлган ойдек ғуборсиз оқ юз, оқ қўллар, латиф бурун, бир оз қизилликга айланган юз, пар ёстиқ, уйғоқ ёткан қиз, қора зулф, қуюк жингила кипрак, тим қора кўз, қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қош, кўндирилган қора хол каби тасвирлар шоироналик касб этган. Ёзувчи бутун хиссиётини, ҳаяжонини шеърда ифодалаган, гўё. Абдулла Қодирий насрда шеър яратган шоир эди. У сўз санъаткорларининг устози эди. Менимча, у абадий шундай бўлиб қолади.

Абдулла Қодирийни халқ шу тарзда билган, шу тарзда эъзозлаган. Чунки халқ дилидагини халқона сўзлар, халқона суҳбатлар асосида исботлаган. Халқ тилининг қудратини яхши ҳис этган ва ундан фойдаланган. Асарларининг халқчиллигини унинг тили таъминлагани каби, уларнинг абадийлигини ҳам ана шу халқчиллик таъминлаган.

2- боб. “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмлар таҳлили

Она тилимиз лексик қатламининг жуда бой ва ранг – баранг эканлиги ўзбек тилшуносларининг унга тизим сифатида ёндоша бошлаганларидан кейин янада кўзга яққол ташлана борди. Тил структурасида сўзлар маъно ва вазифа ўхшашликлари ҳамда фарқлари асосида маълум лексик – семантик гуруҳларга (ЛСГ) ёки тўдаларга (ЛТС) бирлашган ҳолда яшайди. ЛСТ га кирувчи сўзлар ўзаро парадинамик, иерархик ва синтагматик муносабатларда бўлади. Бирорта асар йўққи, унда лексемаларнинг мавзу тўдалари учрамаса ёки ёзувчи томонидан маънодош, шаклдош, қарама - қарши маъноли сўзлар қўлланмаган бўлса. Севимли ёзувчимиз А.Қодирий асарлари ҳам бундан мустасно эмас.

Асарда лексик қатламлар ичида фразеологизмлар салмоқли ўринга эга. «Ўткан кунлар» романидаги мактублар матнида учрайдиган фраземалар 600 дан ортиқдир. Академик А.Ҳожиёв айтгандек, «... фразеологизмлар ўз синонимлари бўлмиш сўзларга нисбатан маънони кучли даражада ифодалаб образлиликл беради». Чунончи, **кўнглини очди, юрагини ёрди, кўнглини ёрди, дардини айтмоқ, дардини дoston қилмоқ, дардини дастурхон қилмоқ** каби иборалар анчагина бўлиб, улар умумистеъмолда кўп қўлланган. Бироқ ярасини ёрди ибораси ўзбек тилида шу маънода учрамайди. Мактуб матнида ишлатилган «Азизбек ҳалққа ташаккур айтиб ярасини ёрди» жумласидаги ярасини ёрди ибораси дилидагини айтди, дардларини айтди, ҳасратини баён қилди, дардлашди каби кўплаб маъноларни ифодалаб келмоқда. Мактублар матнида учрайдиган иборалар қуйидагича таснифланди: синоним иборалар (*Мени на ерга ва на кўкка ишонадир; қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди; сояларида ўйнаб – кулиб юрибман*

(1-мактуб); антоним иборалар (хотин ушлаб туриш; хотиннинг бирисидан кечии (7 –мактуб); омоним иборалар (итоатдан бош тортқан; энди бош тортқан лолалар (15 – нома); грамматик иборалар (дариг тутмагайлар, дариг тутмасалар (13 – нома); муаллиф қаламига мансуб иборалар (ўзимни тагофилга согон, икки юз душманга муқобала этишка, энди бош тортқан лолалар). Мактубда иборалар шундай бир санъаткорона услуб билан ўз ўрнида қўлланганки, академик И.Қўчқортоев айтганларидек, «...асарда реалистик бир муҳит, ҳақиқий бир тарихий колорит юзага келган.

Тилимизда инсоннинг хафакон, ўта даражада ғамгин ҳолатини ифодаловчи *ичига чироқ ёқса ёришмайди, кўнглимга чироқ ёқса ёришмайди* каби фраземалар мавжудлиги маълумдир. Бу иборалардан биронтаси Кумушбибининг ўша вазиятдаги аҳволини ифодалай олиши мумкин ҳам эди. Лекин булардаги маъно *борлигим сиёҳдир* бирикмасида ифодаланган даражада таъсирчанлик маъно қиррасига эга бўлмас эди. Шу билан бирга, *борлигим сиёҳдир* анча қисқа тарзда берилган.

Маълумки, фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг, мураккаб бўлади. Кўпгина фразеологизмлар маъносида сўзнинг маъносида йўқ компонент бўлади. Масалан: ёқасини ушламоқ, бошида ёнғоқ чакмоқ, ер-кўкка ишонмаслик оддийгина ҳайрон бўлиш, азоблаш, ардоқлаш эмас, балки ўта даражада ҳайрон бўлиш, ниҳоят даражада азоблаш, ўта даражада ардоқлашдир. Демак, бу фразеологизмлар маъносида “ўта (ортиқ) даражада” компоненти бор.

Жуда кўп фразеологизмлар билдирадиган маъноларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Қуйида келтирилган мисоллардаги фразеологизмлар маъносига эътибор берайлик:

1.Қамчингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қиласан. (16-б)

2. Дарҳақиқат, мазористонда “хаййя алафалаҳ” хитобини ким эшитар эди. (22-б)

3. Унинг шу йўсин мулоҳаза ва фикрлари мажлиска **чувалган ипнинг учини топиб бергандек бўлиб**, лафзан бўлмаса ҳам маънан уларнинг таҳсин ва олқишларини олди. (24-б)

4. “Ўғлим ёш, сен дунёнинг **иссиқ-совуғини татиған** ва маним ишонган кишимсан...” (27-б)

5. Отабек боши **берк кўчада қолгандек бўлди**, жавобга қийналди. (29-б)

6. Бир неча дақиқа мукаддама учун режа қуриб ўлтургандан сўнг **тилга келди...** (29-б)

7. Ҳасанали юзига падарона тараххум туси кириб, кексаларга махсус оҳангдор бир товуш билан бекнинг устидаги **оғир юкни ола бошлади**. (31-б)

8. Иккинчи кун бу хабар тағи ҳам бошқача **тўн кийди...** (37-б)

9. Отабек боши **берк кўчада қолгандек бўлди**, жавобга қийналди. (29-б)

10. Бу хабарни эшитар экан, **еб тургани оғзида, юткани бўғзида қолди...** (38-б)

11. Бу хабарни эшиткандан сўнг гангиб эсини йўқотди. **Яраси янгиланди:**

- **Оқ билан қорани ажратолмаған** фуқаронинг бир неча ғаразғў мустабидлар кайфи йўлида **бир-бирисининг қонига ташна бўлишлари** ва натижада истиқболнинг ваҳм кўринишлари!. (38-б)

12. ...агар айтмасанг ўша **муттаҳамлар тикиладирған чуқурға сен ҳам ташланасан**. (68-б)

13. . – Отабек билан Мирзакарим қўлга олинсалар **илоннинг боши янчилган ҳисобланиб**, ўзгаларнинг қўлидан иш келадирган одамлар эмас, тақсир. (69-б)

14. Лоақал бу бахтсиз синглингиз учун биргина **бош оғритсангиз-чи...** Устимга **шу бало келгандан бери** эшигингизга неча қайта келиб қуруқ қайтдим...(357-б)

15. Аммо сен аҳмоқсан, **кўрпангга қараб оёқ узатишни, қарс икки қўлдан чиқишини билмайсан!** (358-б)

16. – **Этагингни қоқиб кетабер**, дейсизми? (358-б)

17. – Тузик, - деди Зайнаб, - лекин **ҳар қадамда унинг ҳузурини бузаман, бир чўқитиб ўн қаратаман**. (358-б)

18. Чунки ул суянадирған Қўқон бекларини “мана” деганлари Мусулмонқул ва кишилари (қипчоқлар) томонидан осилиб кесилганлар, **қолғанлари товуш**

чиқаришга мажолсиз эдилар. (267-б)

19. – Худойға шукур, қўлингда хатинг бор, **ўлғаннинг устига чиқиб тепкандек** хат-хабарсиз қўйма. (348-б)

20. – Ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам сиз ораға тушманг дейман, **ўз оёгингизга ўзингиз болта қўйманг**, дейман. (148-б)

Келтирилган мисоллар, фразеологизмлар гарчи сўзлар каби яхлит маъно ифодаласа-да, лекин фразеологик маъно билан лексик маънонинг табиати бир хил эмаслигини кўрсатади.

Илмий адабиётларда иборанинг маъно жиҳатдан учга бўлиниши таъкидланади, булар: фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма ва фразеологик қўшилма. “Ўткан кунлар” асарида иборанинг бу уч турини кузатишимиз мумкин.

Иборанинг маъноси таркибидаги сўзларнинг лексик маънолари асосида изоҳланса (шу лексик маънонинг йиғиндисидан келиб чиқса ва улар билан боғланса), **фразеологик бутунлик** дейилади.¹² Масалан: ёғ тушса ялагудай – тоза, тўйдан олдин ноғара чалмоқ – овоза қилмоқ, ноғарасига ўйнамоқ – гапига кирмоқ каби.

1. Бу жавобдан сўнг Ҳомиднинг **оғзининг таноби жуда ҳам қочқан** ва Содиқнинг елкасига қоқа бошлаган эди. (177-б)

2. Отабек ҳам истехзолик табассум ораси Ҳомидга **кўз қирини ташлади**. (15-б)

3.....аммо Фарғонада мени Азизбекнинг шерикидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли, деб танишлари эҳтимолдан йироқ эмасдир, шу жиҳатларни **мулоҳаза қилиб оёғ бос!** (40-б)

4. – Биз нима учун йиғилдиқ-да, нимага **ер чизишиб ўлтурамиз!** (58-б)

5. – Бўлди-бўлди... **тузингни ичиб, тузлигингга тупурганни** худой кўтарсин, - деди. (164-б)

6. Нега десангиз, ҳар икки томоннинг **иш бошига интилган** кишиларининг **кўкрагига кўл солиб** кўрсангиз, бирисининг фақат эл таламоқ, бойлик

¹² Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент – 2006, 60-бет.

ортдирмоққагина бўлган ғаразини... кўриб, икки орадан “элни тинчитай, эл ҳам роҳат-тирикчилик қилсин” деган учунчи бир олий мақсадни **чароғ ёқиб ахтарсангиз ҳам тополмассиз.** (77-б)

7. Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб тўйларида, азаларида, қисқаси, **тиқ этган йиғинларидаги** уйлариининг тўрини Ўзбек ойимға атаган эдилар. (131-б)

8. Чикғач, **оёғи куйган товукдек тўрт томонға югура бошладим.** (199-б)

9. Ичкарида бўлса, Ўзбек ойим кўшни хотинлардан бир нечасини ҳашарга айтиб, хаммани жой-жойиға қўйдирған, ҳавли юзини ҳам **ёғ тушса ялағундек** ҳолга келтурган эди. (305-б)

10. Шу ҳам **умид билан бир ёстикқа бош қўйган эди,** деб маним тўғримда ўйлаб қарамаслиғингизнинг сабаби ҳам ўзингизга... (304-б)

11. Аммо биз **сенга-сен, деб жавоб бермасак,** бизники ақл ва инсоф доирасидан чиқмаса дейман. (274-б)

12. Ҳожи сукут қилди, ўзининг шунчалик **гапларини ҳавоға кетиб турганини,** мажлисининг Ниёз қушбеги руҳида борғанлиғини яхши сизди. (274-б)

Иборанинг маъноси таркибидаги сўзларнинг лексик маъноларига боғлиқ бўлмаса ва улардан бошқача маънони ифодаласа, **фразеологик чатишма** дейилади: Тўнини тескари киймоқ – аразламоқ; оёғини қўлига олиб – тез; қовоғидан қор ёғиб – ўпкаламоқ, қаттиқ хафа бўлмоқ; оғзи қулоғида – жуда хурсанд каби.

Мисоллар:

1.Қутидор тамоман **тўнни тескари кийиб олған** хотиниға қараб бошини қашиб олди. (147-б)

2.Ҳомид кавлана бошлағанданоқ кўрбошининг **устидан совуқ сув сепилган** эди. (68-б)

3. Отабекнинг **ипидан-нинасигача бўлган сирри** унга маълум эмасмиди? (79-б)

4. Ҳудайчи жўнағач, кўрғон бегининг **пайтавасига қурт тушиб**, типирчилаб қолди... (84-б)

5. Бу махтовлар билан **терисига сиғмай кеткан** Ҳасанали жавоб берди... (24-б)

6. Ҳалиғи Отабек қизға уйланиб қўйғач, бизнинг Ҳомид **тиканга ағанаб**, орадан Отабек билан Мирзакарим акани кўтариш фикрига тушкан ва бўлмаган чақимчиликлар билан уларни дор остиғача тортишга муваффақ бўлган. (228-б)

7. Агар ул сиррингизни билган бўлганда ҳам аллақачон келатурган ишка тушуниб олиб, **Марғилондан думини хода қилди, десангиз-чи!** (237-б)

8. Бу ишқални кўрган Қаландарнинг **тарбузи қўлтуғидан тушиб** “беш октани қайтариш увол-ку?!” деди. (240-б)

9. **Қилни қирққа ёрадирған донолар** ҳам бир нарса тўқуй олмайдирлар. (255-б)

10. Қутидор “нима юмушинг бор менда” дегандек қилиб унга савол назари билан кўз ташлар ва қуръон тингловчи кишидек бўлиб ўлтурғучи мажхул кишидан таажжубланар эди. (257-б)

11. Унинг ўз кайфича ойда эмас, ҳафтада солиб турган солиқлари фуқаронинг **терисини шилса**, арзимаган сабаблар билан қора чопон бекларини осдириб, кесдириб туриши хосни ҳам эсанкиратди. (267-б)

12. Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, бола-чақасининг эғалигини кўрсатсинки, аввало унинг ақллик тадбири, ундан кейин оғайнининг **бир ёқадан бош чиқариши** соясида Мусулмонқул балосидан енгилгина қутилдик. (271-б)

13. Отабекнинг қутилмаганда бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан **игнага зўрлаб тақилған ип нарига кетмас эди**. (206-б)

Иборанинг маъноси таркибидаги сўзлардан бирининг лексик маъноси билан боғланса, **фразеологик қўшилма** дейилади. Буларда бир сўз ўз маъносида, бошқаси эса шу бирикма таркибида кўчма маънода қўлланади. Масалан: оғир йигит, гапнинг тузи, деҳқончиликнинг тили, бахт эшиги,

каттикқўл каби. Булардаги оғир, туз, тил, эшик, каттик сўзлари шу ўринда кўчган маънода қўлланган.

Мисоллар:

1. – Мана Кумушбиби – сизларга, қизлар! Кумушнинг **кўнглини яхшилаб очинглар**, қизлар! (57-б)
2.Шамайда ўйлағанларим **ширин бир хаёл** эмиш. (22-б)
3. Айниқса дадамнинг кейинги хатидаги **қора хабар** билан **дори дунё кўзимга торайди**. (360-б)
4. Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта, ул бу **дарднинг аччиғ-чучигини уч йил бўйи тотиб келар** ва шунинг учун ҳам бояғи оғирликни ўз устига олмоққа мажбур эди. (337-б)
5. Унга нима бўлса ҳам икки кундаш ўртасидан анча гаплар ўткани бир даража маълум бўлиб, Зайнабнинг ёлғон-яшиқ гаплар билан Кумуш **юрагига ўт ёққанини** пайқади. (339-б)
6. **Кумушнинг рақобат ўти бир оз ўча тушкан** эди, уч-тўрт кунлик можородан яхшиғина ҳасрат очилди. (339-б)
7. – Бу гапингиз тўғри, - деди кулиб уста Фарфи, - жўжалари тушкир йилдан-йилга кўпайиб борадирлар, **қозонни сувга ташлаған** кунимиз жанжал. (223-б)
8. Шунинг билан бирга ота-онанинг **сўзини ерда қолдиради**, деб ҳам ўйламас эдилар. (208-б)
9. – Ман санинг ҳали ҳам ўша уятсиз эрингдан **кўнгил узолмағанингни** биламан. (210-б)
10. Мактуб унинг **юрак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаған** эди. (211-б)
11. – Кечирасиз, ота, - бизнинг Ҳомидбой шунақа **қўланса гаплар** учун яратилған одам. (25-б)

2.1. Асар матнида қўлланган синоним иборалар

Синонимия тил бирликлари орасидаги семантик микросистемалардан бири бўлиб, лексемалар, морфемалар билан бир қаторда, иборалар орасида ҳам анчагина. Икки иборани ўзаро синоним дейиш учун улар айти бир маънони англатиши шарт. Бусиз синонимия ҳақида гапириб бўлмайди. Айти бир маънолилиқ тенг маънолилиқ эмас, албатта. Ҳар бир синоним, шу синонимия қатори учун умумий маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин.

Синонимлар одатда бир ёки бир неча жиҳатдан фарқланади., шулардан бири маъно қиррасидаги фарқ бўлиши мумкин. Масалан, ер билан яксон бўлмоқ – ер билан яксон қилмоқ ибораси кулини кўкка совурмоқ – кули кўкка совурилди иборасига синоним: айти бир маънони англатади (“бутунлай емирмоқ, йўқ қилмоқ”). Бу синонимлар, бошқа белги хусусиятларида фарқ қилишидан қатъи назар, маъно қиррасида фарқ қилади: иккинчисида маъно бир қадар кучли ифодаланади. Шунингдек, кўнгли бўш ва кўнгли юмшоқ – юмшоқ кўнгил иборалари ўзаро синоним бўлиб, “рахмдил, кўнгилчан” маъносини англатади; биринчи иборада “кўнгилчан”лик маъно қирраси, иккинчи иборада эса “рахмдил”лик маъно қирраси устун. Умуман, фразеологик синонимларда фарқли маъно қирралари жуда ранг-баранг бўлиб, конкрет ёндашиб изоҳлашни талаб этади.

Фразеологик синонимларни белгилашда улар асосида бошқа-бошқа образнинг ётиши ҳам ҳисобга олинади. Масалан, бир оғиз, бир шингил, бир чимдим синоним иборалари асосида ҳар хил образлар ётади: сўзлаш органи – узум бошининг бир қисми – чимдиб олинандиган миқдор.

Фразеологик синонимларга мисол бўла оладиган иборалар асарда кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамир:

1.(на ерга ва на кўкка ишонадир ; кўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди)

Қудангиз мени *на ерга ва на кўкка ишонадир*, ўн беш кундан бери *кўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди*. (360-б)

2. (кўйнагига сизмай юрган; терисига сизмай кеткан)

Кўзининг оқу қароси, ёлғиз қизини махтовлик куявга бериб, қизи билан куявининг бир дақиқа ҳам бир-бирларидан ажраша олмаганларини кўриб *кўйнагига сизмай юрган* Офтоб ойим учун куявгина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага (гирдоб) тушмоғи чидай оларлиқ бир ҳол эмас эди. (78-б)

Бу махтовлар билан *терисига сизмай кеткан* Ҳасанали жавоб берди... (24-б)

3.(лом демай ўлтурган; миқ этмай ўлтура бергач)

“Ёв қочса ботир кўпаяр” қабилдан шу чоқғача *лом демай ўлтурган* шаҳар аъёнлари ҳам масалални онглаб, сўзга аралаша кетдилар. (101-б)

Ҳожи *миқ этмай ўлтура бергач*, Қамбар шарбатдор ўзининг хипча товши билан кушбегининг гапини кучлаб тушди. (272-б)

4.(бир тан, бир жон бўлсалар; бир ёқадан бош чиқариши)

Билиндики, оғайнилар *бир тан, бир жон бўлсалар* қипчоқ касофатидан кутилиш унча қийин тушмас экан. (272-б)

Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, бола-чақасининг эғалигини кўрсатсинки, аввало унинг ақллик тадбири, ундан кейин оғайнининг *бир ёқадан бош чиқариши* соясида Мусулмонқул балосидан енгилгина қутилдик. (271-б)

6. (дунёни бузади; хуллас бағ-буғ етти қат кўкдан ошадир)

...биррав ёр-ёр ўқуб, тағин биттасининг қувончи ичига сиғмай хахолаб *дунёни бузади*, хуллас бағ-буғ етти қат кўкдан ошадир. (54-б)

7. (ипидан-игнасиғача бўлган қизик ҳолини; миридан сирини ажратиб)

Ҳасанали бекнинг ҳозирғи *ипидан-игнасиғача бўлган қизик ҳолини* узоқ кузатиб турди. (26-б)

Ўғлининг *миридан сирини ажратиб* ўлтурғучи она яна олазарак оғриғига йўлиқди. (160-б)

8. (боши қотиб; миясини қотирган; бош оғритиш; мияси жуда шишкан)

Зиё аканинг *боши қотиб* охирда сўради... (43-б)

“Азизбекнинг оталиғи ва кенгашчиси” бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиши унинг **миясини қотирган...** (78-б)

Бояғи мукофотлар кўрбошини чинлаб **бош оғритишга мажбур** этар эди. (94-б)

Мана шунингдек масалалар билан Ўзбек ойимнинг **мияси жуда шишкан** эди. (359-б)

9. (қирқ қулоқ бўлиб, унинг оғзига тикилган; оғзини пойлаған)

Бу ҳолда бутун мажлис аҳли қабзиятда, **қирқ қулоқ бўлиб, унинг оғзига тикилган** эдилар. (102-б)

Ошиқиб **оғзини пойлаған** Офтоб ойимға кутидор бир илжайиб қўйди... (48-б)

10. (бош тўлғаған; бўйин тўлғамас; бош тоблаб; бош тортқан)

Бу тақдирда итоатдан **бош тўлғаған** Тошканд устига албатта Муслмонкул золим қўшин тортар. (269-б)

Бизлар лимаслаҳатан нима десак, ул **бўйин тўлғамас**. (269-б)

Узоқламай Нормухаммад кушбеги Қўқондан **бош тоблаб** ўз олдиға мустақил ҳукумат эълон қилған бўлди... (271-б)

Итоатдан **бош тортқан** Тошкандга қарши Муслмонкулнинг тепа сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди. (270-б)

11. (коса-косага текканда ғиди-ғиди гаплар қўпайса; ўртадан сўз чиқганини эшитса)

— Гап унда эмас, - деди ҳожи, - умр, мураса деган гаплар бор, айниқса кундашлик иши қийин, **коса-косага текканда ғиди-ғиди гаплар қўпайса**, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қоладир. (302-б)

Юсуфбек ҳожи маълум алданишдан сўнг юрт ишидан қўл ювған, кўб вақтини меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” ўқиб кечирар, кундаш ораси бузилиб, **ўртадан сўз чиқганини** гоҳо эшитса, иккала келинни ўз олдиға чақиртириб, уларни қатор ўтқазар эди. (359-б)

2.2. Асар матнида қўлланган антоним ва омоним иборалар

Антонимия тил бирликлари орасидаги семантик муносабат асосида белгиланадиган ҳодисалардан бири бўлиб, ибораларда ҳам сўзлардаги даражада учрайди. Антонимияни белгилаш, бир томондан, полисемияда бир иборанинг маъноларини ўзаро фарқлашда ёрдамлашади, учинчи томондан, синонимларни белгилашда ҳам фойда келтиради.

Барча лексик компонентлари бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланган иборалар орасидаги антонимия шубҳа туғдирмайди: савол бермоқ – жавоб қайтармоқ; ерга урмоқ ва кўкка кўтармоқ каби. Биринчи антонимлар таркибидаги ҳар икки сўз-компонент, иккинчи антонимлар таркибидаги биринчи сўз-компонентлар ўзаро антоним. Мана бу антоним иборалар таркибидаги биринчи сўз-компонентлар – айти бир сўзнинг ўзи, иккинчи сўз-компонентлар эса антоним: юраги кенг – юраги тор. Бошқа бир мисол: кўнгли жойига тушди – юрагига ғулғула тушди. Бу антоним иборалар таркибидаги сўз компонентларнинг учинчиси айти бир сўз, биринчиси ўзаро синоним, иккинчиси эса ўзаро маъно муносабати ҳосил қилмайди. Кўринадик, антоним иборалар таркибидаги антоним сўз-компонентлар бу ибораларнинг ўзаро антоним бўлишида муҳим роль ўйнайди; аммо барча антоним иборалар таркибида антоним сўз-компонентлар қатнашавермайди. Антонимия иборадан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида белгиланади.

“Ўткан кунлар” асарида антоним иборалар кўплаб учрайди. Қуйида улардан намуналар келтириб ўтамыз:

1. (бошим кўкка етар эди; ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдир)

– Шу чокда ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдирда, эгачи, - деди ва кўзига жиқ ёш олди. (55-б)

– Вой шўргинангга шўрва тўкилсин, Кумуш! – деди Гулсин, - мен шундай эрни топиб тексам **бошим кўкка етар эди.** (60-б)

2. **(кўнглим чопмайдир; кўнглим жизиллаб турадир)**

– Оҳ, опажон, - деди умидсизча ойим, - маним бунга **кўнглим чопмайдир.** (56-б)
Сўзларинг тўғри, хотин, - деди ўйлаб қутидор, - лекин такдир битканданми, нимадан бўлса ҳам бу йигитка қарши **кўнглим жизиллаб турадир.** (49-б)

3. **(баҳс кесилган; гаплари кети узилмай давом этар эди.)**

Ҳомиднинг ҳалиги сўзидан кейин орадаги **баҳс кесилган** эди. (16-б)
Қутидор ниманидир Отабекдан сўрамоққа оғзини жўплаб турса ҳам Ақрам хожи билан Зиё шоҳичининг алланарса тўғрисидаги **гаплари кети узилмай давом этар эди.** (18-б)

4. **(теримга сиғмас эдим; тутуни кўкка кўтарилди)**

Теримга сиғмас эдим; икки йиллик юрак дардим ниҳоят ҳозикини топқан эди. (200-б)

Чиндан ҳам Мусулмонқул бу сукутдан таҳқирланди, **тутуни кўкка кўтарилди.** (125-б)

5. **(юрагига совуқ сув сепкан; юрагига ўт ёқар эдилар)**

...уста Алим ҳам ўзининг ўлган Саодати тўғрисидаги ипидан-игнасиғача бўлган хотираларини такрор-такрор ҳикоя қилиб, ҳикояси охирида: “Пешонамга сиғмади-да, ўлди”, деб қўяр, бу сўз Отабекнинг ҳам **юрагига совуқ сув сепкан** таъсирини бериб, ул ҳам кўнглидан: “Маним ҳам пешонамга сиғмади-да, тириклайин ўлди” деган сўзни ўтқузар эди. (217-б)

Эрмакчилар унинг **юрагига** галма-гал **ўт ёқар эдилар.** (154-б)

6. **(оқ кўнгил ; ичи қорароқ)**

“Ўлганимдан кейин руҳимга бир калима қуръон ўкуса, бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя” деб қарор берган ва ҳозирдан бошлаб Отабекка сипоришлар бериб, ундан самимий ваъдалар

олиб юргучи **оқ кўнгил** бир кул эди. (13-б)

Қўланса сўзлик, **ичи қорароқ** бир йигит эди. (91-б)

Тил бирликлари орасида шаклан тенг келиш ҳодисаси – омонимия – фразеологик бирликларда ҳам мавжуд. Фразеологик омонимия одатда икки ибора орасида воқе бўлади.: қўл кўтармоқ I ва қўл кўтармоқ II каби. Бу мисолда омонимия ибора билан ибора орасида воқе бўлади, келтирилган иборалар барча муқобил шаклларида тенг келади: қўл кўтардим, қўл кўтаради каби. Шунга кўра бу икки иборани омонимлар дейиш мумкин. Бу турдаги фразеологик омонимиянинг кўп эмаслигини олимлар таъкидлаб ўтишган.¹³

Одатда бир вариантли иборага кўп вариантли иборанинг бир варианты шаклан тенг келиб қолади: гап тегди I ва гап тегди II.

Омоним ибораларга мисол бўла оладиган иборалар асарда кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамыз:

1.(итоатдан бош тортқан; энди бош тортқан лолалар)

Итоатдан **бош тортқан** Тошкандга қарши Мусулмонқулнинг тепа сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди. (270-б)

2. (ичаги узилди; ичаги узулғандир)

Чиройлик йигит, ақллик йигит, деб махтий-махтий Тўйбеканинг **ичаги узилди**, у ким эди? (37-б)

– Тезроқ чойингга қара, бечораларнинг аравада **ичаги узулғандир..** (310-б)

¹³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992, 7-бет.

2.3. Муаллиф қаламига мансуб иборалар

Асарда муаллиф қаламига мансуб иборалар ҳам кўплаб учрайди.

Қуйида улардан айрим намуналар келтирамиз:

1. (игнага зўрлаб тақилган ип)

Отабекнинг кутилмаганда бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан **игнага зўрлаб тақилган ип нарига кетмас эди.** (206-б)

2. (тилига калтак келадир)

– Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта **тилига калтак келадир.** (343-б)

3. (ўз ҳолини икки ёқдан ўқтанилган ханжар орасида қолғучиға ўхшатар, қайси томонға қимирласа ҳам муҳлик яра олишини аниқ билар эди.)

Ул қизини кўндириш учун кутидорға ваъда берганда **ўз ҳолини икки ёқдан ўқтанилган ханжар орасида қолғучиға ўхшатар, қайси томонға қимирласа ҳам муҳлик яра олишини аниқ билар эди.** (211-б)

4. (юраги болаларини учуриб кеткан каррукнинг уясидек бўм-бўш эди)

Ул уйкуға кетар экан, **юраги болаларини учуриб кеткан каррукнинг уясидек бўм-бўш эди.** (203-б)

5. (қора пуллик иш чиқара олмаганидек)

Ҳасанали шу беш кун ичида маҳбусларнинг нажотлари йўлида **қора пуллик иш чиқара олмаганидек,** бундан кейин ҳам бир иш қила олишиға кўзи етмай қолди. (80-б)

6. (қуш учкан сўнг отилмоқчи бўлган сопқон)

Зеро ўзининг бу ўтинчини **қуш учкан сўнг отилмоқчи бўлган сопқон** кабилидан ҳисоблар ва фойдасиз бир илтимос деб чўчир эди. (113-б)

7. (оғриғиға эм деб топмади)

...минг турлик хаёлларга бориб-кайтди, аммо уларнинг биттасини ҳам Отабек оғриғиға эм деб топмади... (42-б)

8. (шамолға учадир)

Лекин мундан сўнг яхши билмоғингиз керак, озғина янглишиб кетсангиз ҳам хамма қилғанларимиз шамолға учадир... (180-б)

9. (тегмай чақадирған газандаларим)

– Сиздан ўзимни чакдирғали келган эмасман! – деди йиғлаған кўйи Зайнаб, - ўз уйимда ҳам тегмай чақадирған газандаларим бор... Сиз ҳам маним куйган жонимга ўт ёқманг-да, агар қўлингиздан келса, бу ўртанған синглингизни тинчитинг. (357-б)

10. (кўнглини хиппа ўзига боғлаған)

Ўғлим бечоранинг бошини айлантириб, кўнглини хиппа ўзига боғлаған.(300-б)

11. (кундаш юрагини ун қилғучи ел тегирмони)

Зайнаб ҳам кундаш юрагини ун қилғучи ел тегирмонини тўхтатмоққа мажбур бўлди. (337-б)

12. (эси борадир)

Ўзингга маълумки, кундан-кунга марғилонлиқни унутиш ўрнига ҳар соат унга эси борадир. (161-б)

13. (бир қат этдан тушаман)

Бир бечорани фақат сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлиғини ўйлаб ҳар куни бир қат этдан тушаман. (205-б)

14. (кўнглидан бир гап ҳам ўтиб кетадир)

Энди Отабекнинг кўнглидан бир гап ҳам ўтиб кетадир... (141-б)

15. (олдидағи овни кўрмай, узоқдағи ёвни кўрадир)

– Вой хўвари ҳожи, - деди Ниёз қушбеги, - олдидағи овни кўрмай, узоқдағи ёвни кўрадир! (275-б)

16. (бир ярим қарич осилиб кеткан қовоқ-дудоғиға)

Кумуш бўлса, онасининг ҳозирги ҳолига ачинғандек, унга яқинлашмай, четлаб

юрар ва иккинчи тарафдан Зайнабнинг **бир ярим қарич осилиб кеткан қовоқ-дудоғига** истехзоланиб томоша қилар эди. (347-б)

17. (**кавшим кўчада қолган эмас**)

Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга **“кавшим кўчада қолган эмас”** деб бормас эди. (131-б)

18. (**мозористонда “ҳаййя алалфалах” хитобини ким эшитар эди.**)

Дарҳақиқат, **мозористонда “ҳаййя алалфалах” хитобини ким эшитар эди.** (22-б)

19. (**самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди.**)

Қутидорнинг жавобидан **самимият ва ихлос маънолари томиб турар эди.** (47-б)

20. (**чўлтоғ супургини**)

Отабек бу **чўлтоғ супургини** таниди ва унинг истехзоларини пайқади. (124-б)

21. (**йўл оёғи босилган**)

Кўчада ҳеч ким қолмаган, **йўл оёғи босилган** эди эса-да, ул узоққина қаршисидағи дарбоза ичларини, том устларини, девор рахналарини кузатди ва қаноат ҳосил этиб тор кўчага оҳиста-оҳиста йўл олди. (244-б)

Асарда яна кўплаб фразеологизмлар қўлланган бўлиб, қуйида улардан айрим намуналар келтирамиз:

1.Бироқ уларнинг уруғи бизнинг **Марғилонга ҳам сочилган экан.** (67-б)

2.Қудангиз мени **на ерга ва на кўкка ишонадир**, ўн беш кундан бери **қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди.** (360-б)

3.Юсуфбек ҳожи маълум алданишдан сўнг **юрт ишидан қўл ювган**, кўб вақтини

меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” ўқиб кечирар, кундаш ораси бузилиб, ўртадан сўз чиқганини гоҳо эшитса, иккала келинни ўз олдиға чакиртириб, уларни қатор ўтказар эди. (359-б)

4.Дунё можоросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отаға кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ бир мукофотдир... (113-б)

5.Бу тўғрида уйлангучи йигит билан эр қилғучи қизнинг лом-мим дейишқа ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. (15-б)

6. Ҳомид бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қаради. (16-б)

7.Ундаги бу ўзгаришдан Раҳмат хабарсиз бўлса ҳам, аммо Ҳомид уни ер остидан таъқиб этар эди. (17-б)

8.Отабек ўзи билан кўришган мундаки икки ёт кишини танимаганликдан бир-икки қайта уларни кўз остидан кечирди. (18-б)

9.Отангиз Азизбекнинг мушовири экан, -деди Акрам ҳожи, - нима учун уни бир оз бўлса ҳам йўлга солмайдир? (20-б)

10.Уларнинг бу музокараларини четда эшитиб турган хуфялардан бири бу сўзни Азизбекнинг қулоғига етказур. (20-б)

11.Лекин хоннинг йўлбошчиси бўлган кишининг ўзи зулмда Азизбекдан бир неча зина баланд ўринни ишғол эткучи кимса бўлса, биз қандоғ қилайлиқ. (20-б)

12. ...лекин Шамай маним фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. (22-б)

13. ...билъакс бузғучи ва низоъчи унсурлар томир ёйиб, ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқуриға қараб тортадилар. (23-б)

14. Фақат бундан фойдаланғучилар икки халқ орасиға адоват уруғини сочиб юрғучи бир неча эъвогар бошлуқларғинадир. (23-б)

15. ...Тошканд ҳокими Салимсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгулади ва ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни (Худоёрни) хон кўтариб, эл елкасига минди. (23-б)

16. Тузук, агар Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб

қилғанда, золимларни ўртадан кўтариб, юртка осойиш берганда, унга ким нима дея олур эди? (23-б)

17. Аҳли мажлис Отабекни **кўкларга кўтариб махтар** эди.. (24-б)

18....хатто зархарид қули бўлганим ҳолда менга ҳам **қаттиғ сўз айтишдан** сақланган бир йигит ўз никоҳида бўлган озод бир қизга албатта заҳмат бермас, деб ўйлайман. (24-б)

19. ...Шунга биноан унинг бу охирғи жумласи Ҳомидни **ерга қаратиб, лом дейишга мажол бермай қўйди**. (25-б)

20. Бир турлик илжайиб **ер тегидан** Ҳасаналига **кўз ташлади**. (25-б)

21. Қутидор ҳам Ҳасаналининг **кўнглини кўтариб тушди...** (25-б)

22. Ешиниб ухларга ётқан бўлса ҳам бекнинг хусуси уни **кўз юмғали қўймади**. (27-б)

23. Ҳасаналининг **қулоқлари тиккайиб** ўрнидан турди. (27-б)

24. Хужра ичига бир мунча **қулоқ солиб** ўлтургандан кейин, узун тин олиб, бошини тирқишдан узди.... (27-б)

25. Бу икки турлик масалаларнинг **ўнг-терисини айландириб** муҳокама қилди ва ўлчади. (28-б)

26. Ўрни устига чопонини ёпди-дп, кўрпаси ичига кириб ўлтурди ва “чиндан ошиқми?” деган саволни **кўнглидан кечирди**. (28-б)

27. Энди унинг **бутун борлиғи қулоқ бўлиб айланган**, ўзини унитиб барча диққати хужра ичига оғган эди. (28-б)

28. Бир неча дақиқа муқаддама учун режа қуриб ўлтургандан сўнг **тилга келди...** (29-б)

29. Отабек, Ҳасаналининг мақсадиға тушунолмамай мажҳул унга **назар ташлади...** (29-б)

30. Кўримсиз, чирк босиб қорайган, жуда кўб хизмат қилиб кексайган, очиб-ёпқанда анвоъи – турлик **дод-фарёд қиладирган**, бунда саналган сифатларини бир ерга жамлаб натижа **чиқарганда** “**шарти кетиб, парти қолган**” бир дарбозанинг остонасидан уч-тўрт қадам ичкарига кирилса, Бухоро зиндонларидан бирини ҳис этилур ва қоронғу йўлакнинг ниҳоятидаги ёруғликқа

томон ошиқилур. (32-б)

31. Қаршисида ўлтурған бувисининг ўткан-кеткандан қилған ҳикояларига эринибгина қулоқ берар ва кўнглини очиш учун айтилган қизиқ сўзларга илжайиш билан жавобланар эди. (34-б)

32. Кумушбиби ўзининг бир соатча вақтини шу кўйи кечирди, сўнгра ўрнидан туриб, кичкина латиф оёқлариға отасининг яқиндағина олиб берган қала кавшини кийди ва ошхона юмиши билан қоришиб ётқан онасининг олдиға борди. (34-б)

33. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, кўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. (35-б)

34. Қиш кунлари бир тутам, “ҳа дегунча” кеч бўладир. Бу кун ҳам “ҳа дегунча” га ҳам қолмай кеч бўлған, меҳмонларнинг келишканига ярим соатлаб вақт ўткан эди. (35-б)

35. Туф-э, куриб кетсин жоним чиқиб кетди-я! (36-б)

36. Тошканд ҳокими бўлған Азизбек Қўқонға қарши бош кўтарган. (37-б)

37. Шундай қайғулар ичида бўкиб ўлтурар экан. (38-б)

38. Ҳар ҳолда Тошканд устига яна қонлиқ булутлар чиқди.. (40-б)

39. Чамаси Азизбек осонлиқ билан жон берадиган кўринмайдир. (41-б)

40. Аммо бу тўғрида Отабекнинг кўмагига чинлаб бел боғлашдан уни баъзи эҳтимоллар тўхтатиб: “Отабек ёш, ёшлар муҳаббати учар қуш, балки, бу кун-эрта унутиб ҳам юборар” каби мулоҳазаларда бўлинған эди. (41-б)

41. Зиё аканинг боши қотиб охирда сўради... (43-б)

42. ...кўнмаган тақдирда бу хабарни Отабекка еткузсак, зора шунинг билан кўнгли совиб тушса... (44-б)

43. Жавобни эшиткан совчиларнинг томирига умид қонлари югириб кетди. (47-б)

44. ...асослик суратда кутидорнинг Отабекка томон ҳароратланаёзған юрагига совуқ сув сепмакчи бўлди... (48-б)

45. Мен албатта кўзингизнинг оқу қораси бўлған ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб берарсиз, деб билмайман. (49-б)

46. Ёрдамчинг йўқлиғидан **умидинг кесилиб**, хасратингни кимга айтишни билмайдирғандирсан. (51-б)

47. ...Дунёдан **чароғчисиз бораман...** (51-б)

48. **Тупроқ остларида унутилиб ётқан кезларимда:** “Бир вақт Хасанали отамиз ҳам бор эди”, деб ёдласалар, яхшилик билан эсласалар етар менга шу. (51-б)

49. Отабекдаги **сукут, хаёл, фикр каби ҳолатларни юлиб, юлқиб олиб, улар ўрнига чечак доналари экиб, умид сувлари сепмакчи эди.** (51-б)

50. **Юлдузингиз нах бир-бирингизга тўғри тушкан экан,** иккингизнинг ҳам бир-бирингиздан камлигингиз йўқ. (53-б)

51. Кутидор эшик остида қўл қовиштириб меҳмонларни кутиб оладир, **ер остидан куявига кўз қирини ташлаб,** кишига сездирмай ўзича кулимсираб кўядир. (61-б)

52. Унинг юзи уятдан жуда қизарган, **қочқали жой тополмас эди.** (63-б)

53. Отабекни **ипсиз боғлаб,** ўзи қайси бурчақдан бўлса ҳам асирини тамошо қилар эди. (65-б)

54. ...қипчоқлардан ишни олмоқ учун Тошкандда Азизбек ва ўз отаси бошлиқ билфёъл иш бошлаётганларини сўзлаб, Марғилоннинг ҳам мундан сўнг **оёққа қалқиши** кераклигини айтди... (68-б)

55. Бизнинг Марғилонни ҳам **қонға ботирмоқчи** экан-да, муттаҳамлар.. (69-б)

56. – **Пес-песни қоронғида топқан** экан... (69-б)

57. – Давлатлари ёри берса ҳукуматимиз учун кўркунч бўлган **бузуқилар уясини** топқандекман, - деди. (72-б)

58. – **Давлатлари кўланкасида..** (72-б)

59. Қушбеги ёзувга **кўз югиртириб** рўйхатдаги кишиларни дарҳол келтиришга буюрди. (73-б)

60. Қушбеги кўрбошига **ер тегидан кўз юбориб** олди-да, давом қилди... (75-б)

61. Таассуфки, отамнинг Азизбекдан бўлган умиди бўшқа кетди: бу кун ул ўзининг ярамас хаёли йўлида хондан **юз ўгирди** ва бу орада қанча **гуноҳсизнинг қони тўкилишига** сабаб бўлмоқдадир. (77-б)

62. Бу фалокатнинг оғирлиғи яна ўзининг тоғдек катталиги билан
Ҳасаналининг устига тушди. (79-б)

63.Бахтга қарши бу фикрдан ҳам тезда **қўл ювди...** (79-б)

64. Бу киши Азизбекнинг амри лашкари ва **ўнг қўли** бўлган Райимбек
додхоҳ эди. (85-б)

65. Азизбек **лабини тишлаб қолди.** (89-б)

66. Ҳомид Раҳмат билан бирга Отабекни Зиё аканикига таклиф қилғали келган
эди ва биз уларга **ош-сув қилиб жўнатқан эдик.** (91-б)

67. Бу сўздан Ҳомиднинг юзига қайғириш аломати чиқди ва эътибор билан
кўрбошининг **оғзиға қаради.** (93-б)

68....Юсуфбек ҳожига йигит юбориб, ҳозир уни тўрт кўз билан кутиб ўлтурар
эди. (107-б)

69. ...етмиш кунлаб бир замон **жон бериб, жон олиб** ниҳоят хизмат ҳаққи учун
ўттуз икки танга мукофот, энг кейинги бурда нонингни ҳам бер! (109-б)

70.**Хўлу қуруқ деганларидек катта-кичик баробар ёнмоққа олди.** (110-б)

71. – Сиз яхшиларим, бу қисқа ўйлашларинигиз билан **ўз оёғингизға ўзингиз**
болта уриб, яна қипчоқлар қўлига қарам бўласиз! (112-б)

72.**Оғрикнинг тузаласи келса эмчи ўз оёғи билан келур,** деганларидек... (122-б)

73. Ўзбек ойим **икки қўлини бурнига тиқиб қолаберсин...** (132-б)

74.Ўзбек ойим ўғлининг “**ўлганни устига чиқи тепиш**” қабилидан бўлган бу
ҳаракатидан тутуни **кўкка чиқиб, борлиқ қахру ғазабини эри устига тўкадир...**
(132-б)

75. Ўзбек ойим юқоридағи ўзининг тиоб ва хитобига эридан бир илжайиб
қўйиш жавобини олиб **дами ичига тушадилар...** (133-б)

76. Тошканддан уйланса **сув қуйғандек тинар-қолар...** (134-б)

77.**Еган оғиз уялар** қабилидан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қилди...
(135-б)

78. Биз сани Марғилон андисига бунчалик муккадан кетишингни ўйламаган
эдик, адабсиз... (136-б)

79. Хотинининг **тирноқ остидан кир излаб** ва даъвосининг исботи учун ғўлдирашидан ортиқча кулиб кайфланган Юсуфбек хожи кўзига чиққан ёшларни артар экан, жиддият билан ўғлига деди... (137-б)

80. Ўғлим, бизнинг сандан бошқа **умид нишонимиз**, ҳаёт қувончимиз йўқ... (137-б)

81. – Жуда тўғри айтасан, ўғлим; бироқ онангнинг бир мулоҳазасизлигига бошдаёқ мен **лабимни тишлаб қолган эдим**. (139-б)

82. **Ишнинг енгил кўчишига** сўйинган она Отабекнинг бу шартига **лом демасдан кўнди** ва орзулик тўйни тез бошлаш учун ўғлини Марғилон кетмакка кистай бошлади. (139-б)

83. Яъни чор-ночор бу **тутуриқсиз совғани** кўтариб йўлга тушишга мажбур бўлди. (140-б)

84. Отни кутидорнинг йўлагига етаклар экан, негадир **юраги ўйнаб кетди**. (141-б)

85. Офтоб ойим бу **боши-оёғи йўқ** ишдан ёрилар даражасига етаёзган эди. (144-б)

86. Аммо бунда куявингнинг иштироки кўрилмай, шунинг ила маним **дашим кесилиб қолди**. (146-б)

87. Агар бу ишда куявингнинг ҳам **изи сезилганда эди**, сан эмас ман ҳам бу гапка чидамас ва қизим устига тушкан бу оғир масалални тинчлик билан қарши олмас эдим. (146-б)

88. – Ким айтди санга, **оғзига олди**, деб? (147-б)

89. Бу сўз Офтоб ойимни бир оз ўйлатиб қўйди. Лекин ҳали ҳам **оёқ узатмаган эди**. (148-б)

90. Гарчи Тошкандда экан чоғимда бу ризолик йўлига **бел боғлаган** бўлсам ҳам, энди бу **бел боғлашни** бутунлай ўринсиз бўлганига тушундим... (149-б)

91. Қайин отасининг оғриган касалидан тузала олмай ва ё тезроқ ўлиб тирикларни қутултирмай “чарлар” балоси билан ўзини **ипсиз боғлангани** учун сўнг чекда сиқилган, шунга кўра онасига ачитиб сўзламакда эди.... (157-б)

92. Бу ҳолдан Ўзбек ойим **ич-этини еб**, юткан луқмасининг мазасини ҳам билмас, қисқаси ўлтириш сўзсиз, гўё тузсиз ва маъносиз эди. (160-б)

93. Бекасининг феъли хўйини яхши билгани учун, яъни унинг қарғашидан қўрқиб тушунмаганлигини билдирмади-да, **“қани гапнинг теги қаерға борар экан”**, деб жим, кулоқ солган бўлиб ўлтира берди. (161-б)

94.**Кўнглидан кечирди:** - “Бу кун душанба бўлса, тагин орада тўрт кун бор”.(165-б)

95.Хасанали меҳмонхонадан чиқгач, **ўзини тўхтатиб олгани** ҳолда иккинчи қайта хатни **кўздан кечирди**. (166-б)

96. Отабек **бир қўйнакни ўзидан бурун йирткан киши** тўғрисида гўё ўз саргузаштининг эски тарихини мулоҳаза қила бошлаган, қаршисида ўлтурғучини-да, қайин ота эшигидан қувланган киши деб билган эди. (191-б)

97. – Олдингизда ёш бўлсалар ҳам қизингиз ва ўғлингиз бор экан, бу кун бўлмаса эртага ахир сиз ҳам **ёруғлик кунга чиқиб қоларсиз**, она. (197-б)

98. Саодатингизнинг **бўйи чўзилиб қолган кўринадир...** (198-б)

99. – Саодатка бир яхши жойдан куяв чиқиб қолди. Кеча унашсак унашкундек ҳам бўлган эдик, бироқ сизнинг маслаҳатингизни олайин, деб совчиларни қайтардим, - демасинми, **устимдан бир челақ совук сув қуйғандек энтикдим**, қандай жавоб беришка тилим келмай қолди. (199-б)

100.Бу сўз билан **ўлганнинг устига чиқиб тепилгандек бўлдим**. (199-б)

101.Чунки ул Отабекдаги бу ҳолларнинг сиррини билгандек, муҳаббати орасиға **чўб бўлиб тушкан** кейинги уйланиши алаmidан деб қарор қўйган эди. (204-б)

102. Кумушнинг гўзаллик таърифини ғойибона эшитиб, **оғзининг суви келгучи хотинлиқ** ва хотинсиз орзумандлар “ётиб қолғунча, отиб қол!” сўзига амал қилиб, қутидорникига совчиларни қатор юбора бошлаган эдилар. (208-б)

103.Шунга кўра, келган совчиларнинг ўзларига ёқмаганиға гуноҳнинг барини Кумушнинг бўйнига ағдариб жавоб берар, аммо иккинчи ёқдан тузукрак жойини **кўзлар эдилар**. (208-б)

104.Марғилондан натижасиз, тамоман бўшқа қайтиб Тошканд келгач, Кумушни унуткандек бўлиб уч-тўрт кун у-бу билан овиниб юрар, сўнгра ҳафта, ўн кундан сўнг яна Марғилон тўғрисида ўйлаб бошлар, **ўйлаб ўйининг тегига ета олмагач**, ўзини қаёққа уришини билмай қолар... (216-б)

105. – Аввало сўзламайтурган бўлгандан сўнг **пук бериш керак эмас, тилдан илингандан кейин** бизга зарурати бўлмаса ҳам билганни айтиш керак, - деди уста Алим. (227-б)

106. – Жиян, сен ёшсан ҳали, **сенинг оғзингга ишонч йўқ**, - деди ва: - бир оз дўконингга бориб тур, аччиғинг чикса ҳам. (227-б)

107.Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярлик Мусулмонқул **даккисини еб келган...** (267-б)

108.Бошда бу ҳаракат албатта **“енг ичида” бўлди** ва бу ҳаракатнинг бошида Худоёрнинг ўзи турди. (268-б)

109.Мажлиска йиғилганлардан Юсуфбек хожи ва домла Солиҳбек охундлар кушбегининг пир, деб инобат қилган одамлари бўлганлари учун элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиғи номига бу таклифни, яъни Қўқонга қарши исён эткан бўлиб туришни ул ўз **бўйнига олди.** (271-б)

110.Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш ва бошқа ерларнинг оғайнилари ҳам бу гапдан **бош тўлғамаслар.** (272-б)

111.Нега десангиз, қипчоқ деган ифлос барчани ҳам **жонидан тўйдирди.** (272-б)

112. – Албатта ўйламайман, лекин Мусулмонқулни тинчимайдир деб **хўлу қуруқ қипчоққа тиғ тортиш ҳеч бир ақлга сиғадирган гап эмас.** (273-б)

Агар сиз нафсиламрга қараснгиз икки халқни бир-бирисига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини **сочиб келгучи** бир нечагина одам бор. (274-б)

113.Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган **фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир.** (275-б)

114.Биз бўлсак, **енг ичида ҳозирлик кўра берамиз.** (276-б)

115. – Маъқулликка маъқул, - деди кушбеги, - аммо гап бу ердаки, биз аниқ ишка бел **боғлаймизми?** (276-б)

116.Кумуш кундашнинг жекиришидангина чўчиған бўлса, Отабек **бу чўчишни ўзининг кўлагасида қолдиратурғон онаси тўғрисида тамом ақлини йўқотиб қўйди.** (298-б)

117.Ҳайтовур сўзимни ерда қолдирмаған **ўхшайлар**, бу кун қудадан битта жавоб хати олдим. (301-б)

118.Бирини паст, бирини баланд қилма, бу хотининг бўлганда ул ҳам **кўз очиб кўрганинг** . (302-б)

119.Шу ҳам **умид билан бир ёстикқа бош қўйган эди**, деб маним тўғримда ўйлаб қарамаслиғингизнинг сабаби ҳам ўзингизга... (304-б)

120.Ичкарида бўлса, Ўзбек ойим қўшни хотинлардан бир нечасини хашарга айтиб, хаммани жой-жойига қўйдирган, ҳавли юзини ҳам **ёғ тушса ялағундек** ҳолга келтурган эди. (305-б)

121.Ўзбек ойимнинг **кўнгил тортар** қўшниларида Карима отин, Шарофат чевар ва Маҳинабонулар ҳам ясаниб-тусаниб чиқдилар. (307-б)

122.Ўзбек ойим мажлиска – марғилонлиқ қуданинг одамгарчиликни билишидан, Отабекни Тошканддан уйлантиришга қарши **лом-мим демай**, қайтага ўзи куяви билан бирга келиб, тўйни ўтказиб кетканидан, марғилондаги обрўсидан ва давлатидан баҳс қилиб айтар эди:

- Бечоранинг **бор-йўғи пешонасидаги боласи** шу бизнинг келинимиз. (307-б)

123. – Ҳа айланай қуда, **қарс икки қўлдан чиқади**, деганлар... **Бузоқ яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан...** (307-б)

124. – Ийманма, Кумуш отин, бу кун-эрта бизга янги келинсан, учунчи кундан бошлаб сен муғомбирнинг **бошингда тегирмон юргизишни** ўзим яхши биламан! – деди. – Яна сен **маним собунига кир ювиб кўрганинг йўқ!** (310-б)

125.Карима отин **қош қўяман** , деб **кўз чиқараёзди**. Яъни Отабек билан Кумушни Юсуф-Зулайҳога ўхшатиб, Зайнаб ва қариндошларини **ўт ичига ташлаган эди**. (322-б)

126.Кумуш **ер остида**н Отабекка ризосизча **кўз ташлади**. (322-б)

127. Бу кун бўлса ўйнаб айткан сўзи жавобсиз ҳам қолдирилиб, бу ҳол яна унинг **миясини қотирди**. (331-б)

128.Зайнаб **оёғи олти, қўли етти бўлган** ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқузиб, ёнига учта пар ёстикни уйди. (336-б)

129.Адимини санаб босиш, бир **чўқиб саккиз ёққа қараш** каби эҳтиётларга таълимотсизок ўрганиб қолган, бунинг устига бир хил ўнғайсизлиғи ҳам йўқ эмас эди. (336-б)

130.Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта, ул бу **дарднинг аччиғ-чучигини уч йил бўйи тотиб келар** ва шунинг учун ҳам бояғи оғирликни ўз устига олмоққа мажбур эди. (337-б)

131....нима юмиш биландир уйдан чиққан Кумуш Отабекнинг ёстиғи ёнида қўлиға елпуғич ушлаган Зайнабка **кўз кирини ташлаб ўтди**. (337-б)

132.Отабекнинг аланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бояғи даъвосини чинга чиқарғандек бўлиб, Кумуш жуда ҳам **тўнини тескари кийди** ва юзини четка бурди. (338-б)

133. – **Икки юзламалиғингиз ва тил тегида тил сақлағанингиз ҳам арзимайдими?** (339-б)

134.Унга нима бўлса ҳам икки кундаш ўртасидан анча гаплар ўткани бир даража маълум бўлиб, Зайнабнинг ёлғон-яшиқ гаплар билан Кумуш **юрагига ўт ёққанини** пайқади. (339-б)

135.**Кумушнинг рақобат ўти бир оз ўча тушкан эди**, уч-тўрт кунлик можородан яхшиғина ҳасрат очилди. (339-б)

136.Дарҳақиқат, Кумуш **энг нозик жойдан ушлаган эди**. (340-б)

137.Офтоб ойим ўт ичида қолғандек тобланди. (342-б)

138.Офтоб ойим **ҳамон оёғ узатмади**, қизиға ялиниб кўрди... (343-б)

139.Маним бўлса **қанот-қуйруғим шу Кумуш**. (344-б)

140. – Сўзингиз ерда қоладир, був Офтоб, бир оз андиша ҳам лозим, - деди ва Кумушка юзини ўгирди, - уят эмасми, келин? **Кеча келдинг сурилиб, бу кун кеткин бурилиб**. (344-б)

141. – Албатта Кумуш нима ҳам десин? – деди, Кумушнинг ҳам ҳалигидек қололмаслиғи фақат мени **кўзи қиймағани учун**...бўлмаса албатта кетмас эди. (345-б)

142. – Кумушингизнинг феъли хўйи ўзимга маълум: эрка ўскан, лавзи тез, **кундашликка чидайдиган сиёқи йўқ**, ҳар кун Зайнабингиз билан ғиди-биди қилабериб сизни қийнаб қўярмикин дейман. (345-б)

143. Офтоб ойим эридан ҳам **қўлини ювиб қўлтуғиға урган эди**. (347-б)

144.**Икки оёғимизни бир этукка тиқишимиз** уятка ўхшайдир... (347-б)

145.Эри унга ойлаб, йиллаб қарамай қўйганида ҳам **ул их деб товуш чиқармади.**
(351-б)

146.**Сут билан кирган жон билан чиқар** деганларидек, Ўзбек ойимнинг ўшал вақтлардаги ташвиқотлари ҳам унинг тарафидан фақат “келинлик” мажбурияти остида қабул қилинар...эди. (351-б)

147.Моҳира ойим бу юзсизликдан **ер ёрилса ерга киргундек** бўладир. (352-б)

148.Шу воқиядан сўнг **совчилар оёки узиладир.** (352-б)

149.Хушрўй учун **ҳеч ким оғиз солмай қўядир.** (352-б)

150.Моҳира ойим эридан фикр сўраш ўрнига қизига арз қиладир ва Хушрўй мунга қолганда **қулоқ қокмайдир.** (353-б)

151.Хушрўйнинг Нусратбек билан чодирда қилган муомаласидан **тил бириктириб** эрга теккани маълум бўладир. (353-б)

152.Зайнаб ҳафалиги ошқан кезларда қариндош-уруғлариникига юриб **чигилини ешар эди.** (354-б)

153.Фақат **ғалвир сувдан кўтарилгандан сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафка ташлай бошладинг.** (356-б)

154. Қудангиз – қайин онамнинг сўзига қараганда, келаси ойга **қўзим ёрир эмиш.**
(360-б)

3-боб. БМИнинг амалиётга татбиқи

3.1. Дарс ишланмаси

**Мавзу: “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги
фразеологизмлар таҳлили”**

Дарснинг мақсади:

- 1. Таълимий мақсад** – “Ўткан кунлар” асаридаги фразеологизмларни ўрганиш юзасидан назарий ва амалий билим бериш.
- 2.Тарбиявий мақсад** – ўқувчиларни ўзаро ҳамкорликда ишлашга ўргатиш, маънавий қадрият ва миллий фазилатлардан ғурурланиш туйғусини уйғотиш.
- 3.Ривожлантирувчи мақсад** – ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, нутқ маданиятини ўстириш.

Дарснинг жиҳози:

Абдулла Қодирий портрети, асааларидан намуналар, “Ўткан кунлар” романи, жадваллар, расмлар, фразеологизмлар акс этган кўргазма, топшириқлар берилган карточкалар, рағбат карточкалари.

Техник воситалар:

Компютер, аудио ва видео тасмалар.

Дарснинг методи:

«Кластер», «Ақлий ҳужум», «Аниқлаш», «Тадқиқот».

Дарсни ташкил этиш:

- а) саломлашиш; б) давоматни аниқлаш; в) ўқувчиларни дарсга ҳозирлаш, гуруҳларга бўлиш.

Дарсинг бориши:

Ўқитувчи:

Мухтарам президентимизнинг «Ўз тарихи ва аجدодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади» деган гапларига амал қилиб, Абдулла Қодирий каби шахсияти ва асарлари миллий маънавиятимизнинг мўътабар намунаси бўлган улуғ ёзувчининг асарларини ҳар томонлама тадқиқ этмоқ ғоятда муҳимдир. Бу борада қилинган ва қилинадиган ишлар ўтмиш тирихимизни чуқур билишга, уни эъзозлашга, у билан фахрланишга, унинг кадрига етишга ва уни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Миллий тарихимиз ёзувчиларимиз яратган асарларда ҳам ўз ифодасини топган ва улар билан чуқур танишиш, ушбу асарларнинг бой лисоний имкониятларини тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода бугунги дарсимизни Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида қўлланган фразеологизмлар таҳлилига бағишладик.

«Ақлий ҳужум»

1. Бадиий асарнинг тил хусусиятлари нима сабабдан ўрганилади?

Ўқувчилар шу пайтгача ўрганган билимлари асосида бадиий асар тили хақидаги фикрларини билдирадилар. Билдирилган фикрлар синф тахтасига ёзиб борилади. Нотўғри фикрлар учун танбеҳ берилмайди. Мазмунли, асосли фикрлар айтган ўқувчилар рағбатлантирилади ва фикрлар умумлаштирилади. Кластер усулидан фойдаланиб, бадиий асарнинг тил хусусиятлари ёритилади.

1. Бадиий асарнинг тил хусусиятлари:

- а) луғат таркибини ўрганиш;
- б) асар ёзилган давр тилини баҳолаш;
- в) қаҳрамонлар савияси, тили;
- г) уларнинг қандай мақомга эга эканликларини белгилаш;

д) ёзувчининг бадиий маҳоратини очиб бериш жихатидан ҳам жуда муҳимдир.

Бадиий асар халқ тили ўзининг барча имкониятларини бор бўйича намоён қила оладиган, ёзувчининг маҳорат даражасига кўра бу имкониятларни тўласича ишга солиш мумкин бўлган ўзига хос майдондир. Бу имкониятлар чексиз-чегарасиз бўлиб, муайян асарда унинг рўёби масалаларини ўрганиш, аввало, ёзувчининг бадиий тил борасидаги маҳоратини, қолаверса, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини намоёниш этишга асос бўлади.

2. А.Қодирий бадиий асар тили ҳақида қандай фикрлар билдирган?

1. «...Ўйсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган гишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин.

2. ...Сўз сўзлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб..., фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги керак».

Асар тилига бундай ёндашув муаллифнинг ўта масъулият билан ишлаганини яна бир бор тасдиқлайди.

“Тадқиқот”

Ўқитувчи топшириғи билан ўқувчилар гуруҳларда кичик илмий тадқиқот ўтказадилар ва натижаларини ҳимоя қиладилар.

Гуруҳларга асардан парчалар берилади. Ўқувчилар асар тилига хос ўзига хосликларни аниқлайдилар.

1 –гуруҳ.

Матн

Қушбеги кўтарилиниб олди ва кўзлари бир оз каттароқ очилди: -

Келишдилар, таксир, кирсинларми?; “Ўғул ўсдириш бу турда бўлмас: у тиласин- тиламасин шартта-шартта тилаганингизча қилингизда, қараб тураберингиз”; “Сўзлайберингиз”; “Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз”.

1 –гуруҳ:

Ушбу мисолларда, жумлаларда ишлатилган сўзлардан бирортасини бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Агар алмаштирилса, жумлагина эмас, бутун асар бузилади, ундаги рух, оҳанг бузилади. Ҳатто, битта қўшимчани ҳам ё олиб ташлаб ёқискартириб бўлмайди, бошқасига алмаштириш эса мумкин эмас. Ҳар бир товуш, сўз, қўшимча ўз жойига занжирбанд қилиб қўйилган.

Қилингизда, сўзлайберингиз, кечирингиз, келишдилар, тиласин-тиламасин, тилагингизча, тураберингиз, кирсинларми, кўтарилиниб, кўзлари, уйингиз сўзлари таркибида қўлланилган қўшимчаларнинг ўзи қандайдир оҳанг – қиёфани ташкил этган. Бу сўзларда -из кўрсаткичига аслида эҳтиёж йўқдек. Чунки ҳурмат маъноси қилинг, сўзлайберинг, кечиринг, тураберинг сўз шакллариининг ўзидаёқ ифодасини топган (-инг аффикси ҳурматни ифодалайди). Бироқ ёзувчи -инг қўшимчаси орқали ифодаланган ҳурматнинг ўзи билан кифояланмоқчи эмас. Ҳали унинг кўнгли тўлмаган. Унга гўё сўзлари дағалроқ чиқаётгандек туюлади. Ана шу ҳурматни биров бўрттирсагина кўнглидагини аниқ ва тўла баён қилади, айтган сўзининг оҳангидан шундагина қониқиш ҳосил қилади.

2-гуруҳ.

Матн

“...Пар ёстиқ кучоғида, совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми, уйғоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жингила кипрак остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби... Қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиқ қошлари чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... Тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ

қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстикдан олиб ўлтурди...”

2-гуруҳ:

Келтирилган парчадаги тасвирни таърифлаш учун албатта, кўплаб оқ қоғозлар юзига қора тортишга тўғри келади ва бу бизнинг қўлимиздан келадими – йўқми, гумон. Бироқ шуни айта оламизки, бундай тавсиф фақат сўз сеҳргарининг, бадий сўз устасининггина қўлидан келади. Бу фақат Абдулла Қодирий калами билан чизилиши, тасвирланиши мумкин. Чунки тасвирнинг ўзидан шеър оҳанги таралиб турибди: Бир нарсани кўрган каби; бир нарсадан чўчиган каби; кимдандир уялган каби... Бу такрорлар таъкид учун бўйсундирилган. Шу билан бирга, ўхшатиш орқали тасдиқлаш йўли тутилганки, бу ҳам алоҳида услубдир.

Қаранг: “Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалса”; ёки: “сув ичида бир фитна юз берган бўлса, қайталаб ювилганда, бу фитна янада кучайса”. Хуллас, -ган каби қофиянинг ҳар биридан кейин қўйилган кўп нуқтанинг ўзи китобхонни нафас олдиради, унинг энтикишини, юрак уришини меъёрига келтириб олади, дамини ростлайди. У яна энтикиб ҳолатни томоша қилади, яна тўхтади... ўйланади, мириқади, таъсирланади. Тасвирдаги аниқликлар, сифатлашлар бирор жиҳатни четда қолдирмайди: тўлган ойдек ғуборсиз оқ юз, оқ қўллар, латиф бурун, бир оз қизилликқа айланган юз, пар ёстик, уйғоқ ёткан қиз, қора зулф, қуюқ жингила кипрак, тим қора кўз, қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қош, қўндирилган қора хол каби тасвирлар шоироналик касб этган.

Ўқитувчи:

Абдулла Қодирийни халқ шу тарзда билган, шу тарзда эъзозлаган. Чунки халқ дилидагини халқона сўзлар, халқона суҳбатлар асосида исботлаган. Халқ тилининг қудратини яхши ҳис этган ва ундан фойдаланган. Асарларининг халқчиллигини унинг тили таъминлагани каби, уларнинг абадийлигини ҳам ана шу халқчиллик таъминлаган.

“Ўткан кунлар” фильмидан лавҳа намоиш этилади.

Ўқитувчи:

Воқеликни образли тасвирлашда, уни китобхон кўзи ўнгида аниқ ва тўла гавдалантиришда ибораларнинг ўрни, аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбек тилида халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи, кузатувчанлик закоси, бадий тасаввур ва тахайюл қудратини намоён этувчи ибораларнинг улкан хазинаси мавжуд. Табиийки, ёзувчи тўғри келган, ҳар қандай иборани ҳам бадий асарга олиб киравермайди. А.Қодирий маҳоратли ёзувчи сифатида ўзининг бадий-эстетик ниятига холис хизмат қилиб, асар тилининг таъсирчанлиги ва ширадорлигини таъминловчи турғун бирикмаларни, чинакам халқ ибораларини танлайди.

Асарда лексик қатламлар ичида фразеологизмлар салмоқли ўринга эга. Академик А.Ҳожиёв айтгандек, “.. фразеологизмлар ўз синонимлари бўлмиш сўзларга нисбатан маънони кучли даражада ифодалаб образлиликл беради”. Чунончи, **кўнглини очди, юрагини ёрди, кўнглини ёрди, дардини айтмоқ, дардини дoston қилмоқ, дардини дастурхон қилмоқ** каби иборалар анчагина бўлиб, улар умумистеъмолда кўп қўлланган. Бироқ ярасини ёрди ибораси ўзбек тилида шу маънода учрамайди. Асарда ишлатилган «Азизбек халққа ташаккур айтиб ярасини ёрди» жумласидаги ярасини ёрди ибораси дилидагини айтди, дардларини айтди, ҳасратини баён қилди, дардлашди каби кўплаб маъноларни ифодалаб келмоқда.

Ўқувчилар асар матнига суянган ҳолда асарда қўлланган фразеологик бирликларни қуйидагича гуруҳларга ажратадилар:

- а) фразеологик синонимлар;
- б) антоним иборалар;
- в) омоним иборалар;
- г) муаллиф қаламига мансуб иборалар.

Мустаҳкамлаш.

Гуруҳлар навбати билан “Тадқиқот” усулидан фойдаланган ҳолда асарда қўлланган фразеологик бирликларни таҳлилга қиладилар.

1-гуруҳ: Фразеологик синонимларга мисол бўла оладиган иборалар асарда кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамыз:

1.(*на ерга ва на қўкка ишонадир ; қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди*)

Қудангиз мени *на ерга ва на қўкка ишонадир*, ўн беш кундан бери *қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди*. (360-б)

2. (*кўйнагига сиғмай юрган; терисига сиғмай кеткан*)

Кўзининг оқу қароси, ёлғиз қизини махтовлик куявга бериб, қизи билан куявининг бир дақиқа ҳам бир-бирларидан ажраша олмаганларини кўриб *кўйнагига сиғмай юрган* Офтоб ойим учун куявгина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага (гирдоб) тушмоғи чидай оларлиқ бир ҳол эмас эди. (78-б)

Бу махтовлар билан *терисига сиғмай кеткан* Ҳасанали жавоб берди... (24-б)

3.(*лом демай ўлтурган; миқ этмай ўлтура бергач*)

“Ёв қочса ботир кўпаяр” қабилидан шу чоқгача *лом демай ўлтурган* шаҳар аъёнлари ҳам масалални онглаб, сўзга аралаша кетдилар. (101-б)

Ҳожи *миқ этмай ўлтура бергач*, Қамбар шарбатдор ўзининг хипча товши билан кушбегининг гапини кучлаб тушди. (272-б)

2-гуруҳ: “Ўткан кунлар” асарида антоним иборалар кўплаб учрайди. Қуйида улардан намуналар келтириб ўтамыз:

1.(*бошим қўкка етар эди; ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдир*)

– Шу чоқда *ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдирда*, эгачи, - деди ва кўзига жиқ ёш олди. (55-б)

– Вой шўргинангга шўрва тўкилсин, Кумуш! – деди Гулсин, - мен шундай эрни топиб тексам *бошим қўкка етар эди*. (60-б)

2.(*кўнглим чопмайдир; кўнглим жизиллаб турадир*)

– Оҳ , опажон, - деди умидсизча ойим, - маним бунга *кўнглим чопмайдир*. (56-б)
Сўзларинг тўғри, хотин, - деди ўйлаб қутидор, - лекин тақдир битканданми,
нимадан бўлса ҳам бу *йигитка қарши кўнглим жизиллаб турадир*. (49-б)

3.(*баҳс кесилган; гаплари кети узилмай давом этар эди*.)

Ҳомиднинг ҳалиги сўздан кейин орадаги *баҳс кесилган эди*. (16-б)

Қутидор ниманидир Отабекдан сўрамоққа оғзини жўплаб турса ҳам Ақрам
хожи билан Зиё шоҳичининг алланарса тўғрисидаги *гаплари кети узилмай*
давом этар эди. (18-б)

4.(*теримга сизмас эдим; тутуни кўкка кўтарилди*)

Теримга сизмас эдим; икки йиллик юрак дардим ниҳоят ҳозирани топади.
(200-б)

Чиндан ҳам Муслимонқул бу сукутдан таҳқирланди, *тутуни кўкка*
кўтарилди. (125-б)

3-гурух: Омоним ибораларга мисол бўла оладиган иборалар асарда
кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтаем:

1.(*итоатдан бош тортқан; энди бош тортқан лолалар*)

Итоатдан бош тортқан Тошкандга қарши Муслимонқулнинг тепа сочи тик
туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди. (270-б)

3. (*ичаги узилди; ичаги узулгандир*)

Чиройлик йигит, ақллик йигит, деб махтий-махтий Тўйбеканинг *ичаги узилди*,
у ким эди? (37-б)

– Тезроқ чойингга қара, бечораларнинг аравада *ичаги узулгандир*.. (310-б)

4-гурух: Асарда муаллиф қаламига мансуб иборалар ҳам кўплаб
учрайди.

Қуйида улардан айрим намуналар келтираем:

1.(*игнага зўрлаб тақилган ин*)

Отабекнинг кутилмаганда бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч
бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан *игнага*

зўрлаб тақилган ип нарига кетмас эди. (206-б)

2.(тилига калтак келадир)

– Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта *тилига калтак келадир*. (343-б)

3. (ўз ҳолини икки ёқдан ўқтанилган ханжар орасида қолғучига ўхшатар, қайси томонга қимирласа ҳам муҳлик яра олишини аниқ билар эди.)

Ул қизини кўндириш учун қутидорға ваъда берганда ўз ҳолини *икки ёқдан ўқтанилган ханжар орасида қолғучига ўхшатар, қайси томонга қимирласа ҳам муҳлик яра олишини аниқ билар эди*. (211-б)

Хулоса.

Дарсни якунлаш. Гуруҳлар ва дарсда фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилади.

Уйга вазифа:

“А.Қодирийнинг бадий тил маҳорати” мавзусида мақола тайёрлаб келиш.

Хулоса

Кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи тили юзасидан ҳозирга қадар адабиётшунослар томонидан, қисман тилшунослар томонидан айтилган илмий мулоҳазалар мавжуд. Бу фикрларда А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи тили бадиий нутқ ва услубнинг юксак намунаси эканлиги, ёзувчининг ўз асарларининг тилига катта масъулият билан ёндошгани, халқ тилининг ноёб бойликларини яхши билгани ва уларни чуқур ҳис қилгани қайд этилади.

Бадиий ифода воситаларининг таркибий қисмларидан бирини фразеология ташкил қилади ва улардан ёзувчи жуда ўринли фойдалана олган. Ҳатто асардаги баъзи мактублар матнида 5 тадан 9 тагача фраземалар учраши фикримиз далилидир. Абдулла Қодирийнинг тилдан шунчаки фойдаланувчи эмас, балки уни янада бойитувчи санъаткор экани унинг янги фраземалар яратганида ўз ифодасини топган: *ярасини ёрди, бош тўлғаган, тил беришурмиз* ва б.

Ёзувчи тилда мавжуд имкониятлардан қониқиш ҳосил қилмаган ўринларда янги иборалар яратади, бирликларни турли хил маъноларда турли хил вазифалар юклаб қўллайди («оёғларидан йитиб», «холис шаҳодатим», «содиқ бир қулингиз йўлига», “фалокат туғдирмоқ”, «ёри бериб», «бош тўлғаган» кабилар).

Фразеологик синонимларни белгилашда улар асосида бошқа-бошқа образнинг ётиши ҳам ҳисобга олинади. Масалан, бир оғиз, бир шингил, бир чимдим синоним иборалари асосида ҳар хил образлар ётади: сўзлаш органи – узум бошининг бир қисми – чимдиб олинadиган миқдор.

Фразеологик синонимларга мисол бўла оладиган иборалар асарда кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамыз:

1.(на ерга ва на қўкка ишонадир ; қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди)

Қудангиз мени **на ерга ва на қўкка ишонадир**, ўн беш кундан бери **қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйди**. (360-б)

Антонимия иборадан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида белгиланади.

“Ўткан кунлар” асарида антоним иборалар кўплаб учрайди. Қуйида улардан намуналар келтириб ўтамыз:

6. (бошим қўкка етар эди; ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдир)

– Шу чокда **ичимга чароғ ёқсалар ҳам ёримайдирда**, эгачи, - деди ва кўзига жиқ ёш олди. (55-б)

Омоним ибораларга мисол бўла оладиган иборалар асарда кўплаб учрайди. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамыз:

1.(итоатдан бош тортқан; энди бош тортқан лолалар)

Итоатдан **бош тортқан** Тошкандга қарши Мусулмонқулнинг тепа сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди. (270-б)

Асарда муаллиф қаламига мансуб иборалар ҳам кўплаб учрайди.

Қуйида улардан айрим намуналар келтирамыз:

3. (игнага зўрлаб тақилган ип)

Отабекнинг кутилмаганда бу янглиғ ярамас кўчаларга кириб кетишига ҳеч бир турлик маъно бералмай боши қотса ҳам, аммо унинг кўз ўнгидан **игнага зўрлаб тақилган ип** нарига кетмас эди. (206-б)

4. (тилига калтак келади)

– Шунинг учунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта **тилига калтак келади**. (343-б)

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Каримов И. А.** Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996
2. **Каримов И.А.** Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент:Маънавият, 2008.
4. **Каримов И.А.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
5. **Дониёров Х., Мирзаев С.** Сўз санъати. – Т.: Ўздавнашр, 1962.
6. **Қодирий А.** Кичик асарлар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
7. **Неъматов Ҳ., Расулов Р.** Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995
8. **Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар.** Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
9. **Қўчқортоев И. А.** Қодирий асарларининг тили ҳақида. // Ўзбек тили ва стилистикаси. – Т.: ТошДУ, 1972.
10. **Чориева З.** Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги мактубларнинг луғавий- маъновий ва услубий хусусиятлари. Филол.фанлари номзоди...дис.автореф. –Тошкент, 2006.
11. **Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова И.** Адабий норма ва нутқ маданияти - Тошкент: Фан. 1988.
12. **Ўринбоев Б.** Ўзбек сўзлашув нутқи стилистикаси. // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. - Самарқанд: СамДУ. 1983.
13. **Маматов А.Э.** Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Тошкент. 1991.
14. **Бегматов Э.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.
15. **Миртожиёв М.** Ҳозирги ўзбек адабий тили (университетларнинг филология факультетлари учун дарслик).-Тошкент, 2004.

16. **Раҳматуллаев Ш.** Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
17. **Сиддиқ Мўмин.** Сўзлашиш санъати. «Фарғона», 1997.
18. **Расулов Р., Мўйдинов Қ.** Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Тошкент. 2012.
19. **Маҳмудов Н.** Тилимизнинг тилла сандиғи. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2012.
20. **Қиличев Э.** Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.
21. **Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги адабий ўзбек тили. Тошкент: «Mumtoz so`z», 2010.
22. **Маҳмудов Н.** Маърифат манзиллари. Тошкент: “Маънавият”, 1999.
23. **Ҳожиёв А.** Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.
24. **Қодирова Х.** Абдулла Қодирий асарларида эвфемизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. - №4. – 88- 89.
25. **Л.Жалолова.** Абдулла Қодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. - №4. – 33- 35.
26. **Қаршибой М.** “Ўткан кунлар” романида шахс ва жамият муносабатлари талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. - №5. – 9- 12.
27. **Ҳожиёв А.** Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1974.
28. **Шукуров Р.** Ўзбек тилида антонимлар -Т.: Фан, 1977 .
29. **Дониёров Х., Мирзаев С.** Сўз санъати. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962;
30. **Мирзаев И.** Абдулла Қодирий эволюцияси. – Тошкент: Фан, 1972;
31. **Тожиёв Ё. ва б.** Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1974;
32. **Қўшжонов М.** Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
33. **Ҳозирги ўзбек адабий тили.** «Ўқитувчи» нашриёт- матбаа ижодий уйи,Тошкент – 2006

Фойдаланилган интернет сайтлари:

34. [www.pl.spb.ru / vss / gueriss / cat. Show.php](http://www.pl.spb.ru/vss/gueriss/cat>Show.php).
35. [http // www.elections.ru / glibin / ip / Show](http://www.elections.ru/glibin/ip>Show).
36. [www.lexis.asu](http://www.lexis.asu.narod.ru/bible.htm). narod. ru. / bible.htm.

Фойдаланилган бадий адабиётлар

1. **Қодирий А.** Ўткан кунлар. Тошкент: “Шарқ”, 2000.
2. **Қодирийни қўмсаб.** “Ёднома” . Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1994.
3. **Адабиёт, бадият, абадият.** – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2004.
4. **Қодирий А.** Кичик асарлар. - Т: Бадий адабиёт нашриёти, 1969

БМИда қўлланилган таянч сўз ва сўз бирикмаларининг ўзбекча-инглизча луғати

Андиша – sense
Антоним – antonym
Омонимия –homonymy
Синоним – synonym
Бадий - artistic
Роман - novel
Жанр - genre
Маъно - semantical
Услубий - methodical
Тилшунослик - linguistic
Матн - text
Ёзувчи - novelist
Манфаатпараст - materialistic
Азоб чеккан, езилган - martyr
Содиқ, садоқатли - loyal
Камтар - lowly
Нигоҳ - look
Нафратланмоқ - down on
Кичик - little
Қисқартма - abbreviation
Салом - hello
Чунки - because
Тимсол - prototype
Мактуб - letter
Фикр, Ғоя - idea
Муҳокама - eration
Теран - deep
Хулоса чиқармоқ - deduce
Муомала - deed
Мунозара, баҳс - debate
Махфий - supreptitious
Кузатув, назорат - surveillance
Абадий - forever
Қиёсламоқ - compare
Ибора - sentence
Асосий - principal

Муҳим - important
Мулоҳаза - reflection
Вазият - condition
Таҳлил қилиш - analyze

Нотаниш - stranger
Нутқ - speech
Фойдаланмоқ - use
Ғожа - tragedy
Филолог - philologist
Бадий - artistic
Фарқ - difference
Муайян - define
Муболағали - exaggerated
Негиз - basis
Хос - peculiarity
Худди - just
Умумий - common
Тайёрганлик - preparation
Маишат - existence
Маҳбус - arrest, detainee